Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 130 (9626).

1989 йил 11 июль сешанба

Баҳоси 3 тийин.

БУХАРЕСТДА КЕНГАШ

БУХАРЕСТ, 7 июль. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун Руминия Социалистик Республикасининг пойтахтида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг навбатдаги кенгаши иш бошлади.

Кенгашда: БКП Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков бошчилигидаги Болгария Халқ Республикаси; ВСИП Раиси Р. Ньерш бошчилигидаги Венгрия Халқ Республикаси; ГДСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер бошчилигидаги Германия Демократик Республикаси; ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ПХР Давлат Кенгашининг Раиси В. Ярузельский бошчилигидаги Польша Халқ Республикаси; РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску бошчилигидаги Руминия Социалистик Республикаси; КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев бошчилигидаги Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи; ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари М. Якеш бошчилигидаги Чехословакия Социалистик Республикаси делегациялари қатнашмоқдалар.

Кенгаш ишида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган қуролли кучларининг бош қўмондони армия генерали П. Г. Лушев ва Сиёсий маслаҳат комитетининг бош секретари, РСР ташқи ишлар министрининг ўринбосари К. Оанча ҳам иштирок этмоқдалар.

Кенгашни Н. Чаушеску очиб, қисқача табрик нутқи сўзлади.

Иккита мажлис бўлиб ўтди, мажлисларда СССР делегациясининг бошлиғи М. С. Горбачев ва ЧССР делегациясининг бошлиғи М. Якеш навбат билан раислик қилдилар.

М. С. Горбачев, Э. Хонеккер, В. Ярузельский, М. Якеш, Р. Ньерш, Т. Живков, Н. Чаушеску сўзга чиқдилар.

Кенгашда П. Г. Лушев доклад қилди. Дўстлик, ўртоқларча амалий ҳамкорлик муҳитида ўтаётган Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгашида Европага ва дунёга тааллуқли долзарб муаммолар кўриб чиқилмоқда. Улар орасида Европа ва жаҳон хавфсизлиги масалалари, ядровий ва химиявий қуролни тугатиш, қуролли кучларни ва қурол-яроғларни анча қисқартириш йўлида бундан буён кўриладиган чоралар бор. Европада ва дунёда вужудга келаётган янги реалликлар шароитида иттифоқчи давлатларнинг ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга тааллуқ ли масалалар ҳам муҳокама қилинмоқда.

* * *

БУХАРЕСТ, 8 июль. (ТАСС). Бугун бу ерда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши ўз ишини тамомлади. БКП Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков раислигида ўтган якунловчи мажлисда «Ядровий ва химиявий қуролдан холи, барқарор ва хавф-хатарсиз Европа учун, қуролли кучларни, қурол-яроғларни ва ҳарбий ҳаражатларни анча қисқартириш учун» ҳужжат имзоланди.

Ҳужжатни:

Болгария Халқ Республикаси номидан — Т. Живков, Венгрия Халқ Республикаси номидан — Р. Ньерш, Германия Демократик Республикаси номидан В. Штоф, Польша Халқ Республикаси номидан В. Ярузельский, Руминия Социалистик Республикаси номидан Н. Чаушеску, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан М. С. Горбачев, Чехословакия Социалистик Республикаси номидан М. Якеш имзоладилар.

Кенгашнинг ахбороти ҳам қабул қилинди.

Дўстлик ва ўртоқларча бирдамлик вазиятида ўтган кенгаш Европа ва жаҳон сиёсатининг муҳокама қилинган муаммолари юзасидан фикрларнинг бирлигини кўрсатди, социализм манфаатлари йўлида, иттифоқчи давлатларнинг ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида ҳаракат қилишга ялпи интилишни тасдиқлади.

* * *

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг навбатдаги кенгаши ишида қатнашган КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Раиси М. С. Горбачев бошчилигидаги Совет делегацияси 8 июлда Бухарестдан Москвага қайтиб келди. Делегация составида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри, армия генерали Д. Т. Язов бор эдилар.

Аэродромда делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, В. П. Никонов, Н. Н. Слюньков, В. М. Чебриков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Г. П. Разумовский, Н. В. Тализин, КПСС Марказий Комитетининг секретари О. Д. Бакланов, СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг раислари Е. М. Примаков ва Р. Н. Нишонов кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Руминиянинг СССРдаги элчиси И. Букур, Франциянинг СССРдаги мувақкат ишлар вакили Ф. Бошато бор эдилар.

(ТАСС).

Суратларда: Мажлислар залида; совет делегацияси.

ТАСС телесуратлари.

ҚУДРАТИМИЗ — БИРЛИКДА

Уйдирмаларга барҳам берайлик

ҲОЗИР совет кишилари мураккаб бир даврни бошдан кечиришмоқда. Мамлакатимиз экономикасида юзага келган танглик, жамиятимизда содир бўлаётган ижобий ўзгаришларнинг маълум бир йўналишга тушиб кетолмаётганлиги ва охир-оқибатда бу қийинчиликлар бошқа ўткир муаммолар, жумладан, миллатлараро муносабатлар билан қўшилиб, мамлакатимизнинг гоҳ у ери, гоҳ бу ерида кескин вазиятларни вужудга келтираётгани бизга сир эмас.

Табиийки, бундай шароит кишилардан мустаҳкам ирода, сабр-бардош ва чидам талаб қилади. «Ҳолва деган билан оғиз чучимайди» деганларидек, мамлакатни олга ҳаракатга келтириш учун энг аввало ҳозирги давр талабига жавоб бера оладиган сиёсий-иқтисодий чора-тадбирлар белгилаш лозим. Қолаверса, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз вазифаси ва бурчини виждонан бажариб, бугунги ҳаётимизда пайдо бўлаётган ижобий ўзгаришларга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиши муҳим аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг кучқудрати, осойишталиги ва фаровонлиги ҳамма миллат ва элатларнинг бирлигига, мустаҳкам дўстлиги ва ҳамжиҳатлигига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан мен ўртоқ М. С. Горбачевнинг Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқини маъқуллаб эканман, жумладан, унда айтилган «Эндиликда ҳаммадан ва ҳар бир кишидан шу масалалар хусусида қатъий масъулият ва ҳалоллик, энг асосийси эса қутлуғ қадамлар ва конкрет ишлар талаб этилади» деган фикрларига тўла қўшиламан.

В. МАҲМУДОВА.

БИРЛАШГАН ЎЗАР

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачёвнинг Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқи барча совет халқи каби мени ҳам анча ўйлантириб қўйди.

Дарҳақиқат, кейинги пайтларда мамлакатимизнинг турли регионларида содир бўлаётган ноҳуш воқеалар катта-кичикни таҳлликага соляпти. Айниқса, биз оналар бундай кўнгилсизликлардан кўп ташвиш чекмоқдамиз. Чунки бундай можаролар оқибатида одамлар азоб чекяпти, оналар бошига кулфат тушяпти, бир қанча ҳолларда эса ҳатто кишилар нобуд бўляпти. Ахир нима учун тинчлик замонда болалар етим қолиши, оналар фарзанд доғини кўришлари керак?

Шу ўринда ўзбек халқининг ибратомуз ҳикоятларидан бири ёдимга тушади. Ота уч ўғлининг ҳар бирига биттадан чўп бериб уни синдиришни айтади. Улар бир зумда отанинг айтганини қиладилар. Шундан кейин эса ота ўғилларига бир даста чўпни бирлаштириб бериб, синдиришни буюради. Ўғиллар ҳар қанча уринмасинлар ҳеч қайсиси бу вазифанинг уддасидан чиқа олмайди.

Бу қиссадан бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар, деган хулоса чиқади. Шундай экан, биз ҳам барча миллат вакиллари бир оила фарзандларидирмиз. Шунинг учун ҳам бир-биримизни қўллаб- қувватлаб граждан-лар урушда. Улуғ Ватан урушида ғалаба қозондик. Наҳотки қон кечиб, мислсиз қурбонлар эвазига эришган шундай тинч замонамизнинг қадрига етмасак. Аллақандай баъзи бир қора ниятли гиж-гижловчиларнинг уйдирмаларига учиб меҳр-оқибатимизни йўқотсак. Йўқ, мен онаман, барча оналар номидан мурожаат этаман: тотув, баҳамжиҳат яшайлик. Ҳеч қачон низоларга йўл қўймайлик.

Х. МУЗАФФАРОВА.
кўп болали она.

АҲОЛИ РАНЖИМАЙДИГАН ИШ ҚИЛАЙЛИК

ФАРҒОНА воқеалари менга Тоғли Қорабоғ, Сумгаит фожиаларини эслатганди. Янги Ўзендаги ғалаёнлар эса бу масалаларда чуқурроқ ўйлашга мажбур этди. Буюк ва кўп миллатли мамлакатимиз халқлари бир неча ўн йиллардан бери ҳеч қандай низосиз, тинч-тотув яшаб келаётган эди. Миллий низолар чиқиши мумкинлигини ҳатто хаёлимизга ҳам келтирмасдик. Нега энди кейинги пайтларда бундай ноҳуш хатти-ҳаракатлар пайдо бўла бошлади? Ҳатто хунрезликкача бориб етганлигининг боиси нимада? Улар аслида нимани талашишяпти ўзи?

Мен М. С. Горбачевнинг Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқини тинглаб бу саволларга жавоб топгандек бўлдим. Миллий низоларнинг келиб чиқиш сабабларини фақат миллатчиликка йўйиш тўғри бўлмаса керак. М. С. Горбачёвнинг нутқидаги қуйидаги сўзлар ҳам шундан далолат беради: «Миллий муаммолар ва экономикадаги турғунлик, одамнинг социал эҳтиёжларига эътиборсизлик келтириб чиқарган муаммолар зиддиятларнинг чигал тугунига чирмашиб кетди». Тўғри баҳо. Қаерда тенгсизлик, адолатсизлик авж олса ўша ерда норозилик ҳам кучаяди.

Ҳақиқатан турғунлик йилларида халқларнинг турмуш фаровонлигини ошириш тўғрисида баландпарвоз гаплар кўпайди-ю, амалда деярли ҳеч нарса қилинмади. Буни бизнинг Кавардон қишлоғимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. 5 минг киши яшайдиган қишлоқда ичимлик сув машинада ташиб келтирилади. Бунга қаноат қилмаганлар ёки суви тугаб қолганлар қишлоғимиз ёнидан оқиб ётадиган Қорасув дарёси ва Хандам каналидан сув олиб ичишади.

Бу ҳақда мурожаат қилмаган ташкилотимиз қолмади. Матбуотда ҳам қатор мақолалар эълон қилинди, аммо натижаси бўлмаяпти.

Л. МАНСУРОВ,
Коммунистик райони.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШИ УЧУН УЙ ВА ЕР

✦ Қишлоқдаги ҳар бир онла агар ўзи истаган тақдирда томорқа участкаси билан таъминланиши лозим. Ўзига уй қуриб олишни хоҳловчи ҳар бир деҳқон шундай имконият олиши керак. 8 июль куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советида бўлиб ўтган кенгайтирилган кенгашда масала мана шундай қўйилди. Кенгашда республикада шахсий ёрдамчи хўжаликларни ва якка тартибдаги уй-жой қурилишини ривожлантириш муаммолари кўриб чиқилди. Унда партия, совет органларининг, агросаноат комплексининг, министрликлар ва идораларнинг масъул ходимлари қатнашдилар.

Кенгашни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров очди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика давлат агросаноат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков докладида, шунингдек бир қанча область ижроия комитетлари раисларининг нутқларида таъкидлаб ўтилганидек, аҳолини уй-жой, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, тез кўпайиб бораётган меҳнат ресурсларидан фойдаланиш — яқин вақтлар ичида республикада ҳал қилиниши лозим бўлган ғоят муҳим муаммолар жумласидандир. Аммо жуда катта социал-сиёсий аҳамиятга молик бу масалаларни ҳал этиш, айниқса якка тартибдаги уй-жой қурилишини ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш соҳасида тўхтаб қолмоқда.

Айрим совет ва хўжалик органларининг интизомсизлиги ҳамда масъулиятсизлиги сабабли партия билан ҳукуматнинг тегишли қарорлари қониқарсиз бажарилмоқда. Ер участкаларини ажратиб бериш чоғида белгиланган нормаларнинг кўплаб бузилаётганлиги аҳолининг ҳаққоний норозилигига сабаб бўлмоқда.

Айрим Советларнинг айби билан участкаларни ажратиб бериш чоғида суиистеъмолларга барҳам берилмаганлиги оқибатида аҳвол баттар ёмонлашмоқда. Бу эса меҳнаткашларнинг норозилиги кучайишига, носоғлом эҳтиросларнинг авж олишига имконият яратмоқда ва социал кескинликлар учун замин вужудга келтириши мумкин. Якка тартибда иморат қурувчиларга кредит бериш масалалари ҳамон ҳал қилиниб, мана шуларнинг ҳаммаси пировард натижада партиянинг халқ турмуши даражасини оширишга доир программасининг таркибий қисми бўлмиш катта социал-иқтисодий ишни обрўсизлантиришга олиб келади, қайта қуришнинг боришига тўсқинлик қилади.

Кенгаш қатнашчилари ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган меҳнатга қобилиятли аҳолининг Озиқ-овқат программасини амалга оширишда яна ҳам кенгроқ қатнашиши, якка тартибдаги уй-жой қурилишини ривожлантириш шарт-шароитларини вужудга келтириш учун:

ҳар бир колхоз, совхозда, қишлоқ, посёлка Советида, район, шаҳар ва область ижроия комитетларида якка тартибдаги уй-жой қурилиши ва томорқа участкалари учун ер ажратиш масалалари билан шуғулланувчи комиссиялар тузиб, уларга ветеранларни, хотин-қизлар кенгашларининг аъзоларини ва бошқа фаолларни жалб этишни, мазкур масалаларни ҳал этишда уларга тўла ҳуқуқлар беришни зарур деб топдилар. Ажратиб бериладиган томорқа участкалари ва якка тартибдаги қурилиш учун ернинг миқдорлари ҳар бир хўжаликнинг аниқ-равшан шароитларини ҳисобга олиб аҳоли йиғини томонидан аниқланиши ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари томонидан узил-кесил тасдиқланиши белгилаб қўйилсин;

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, бошқа министрликлар ва идоралар, маҳаллий Советлар ва хўжаликлар колхозчиларнинг, совхоз ишчилари ва хизматчиларининг, бошқа гражданларнинг якка тартибдаги уй-жой қурилишини ва шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришда жуда қисқа муддат ичида туб бурилишга эришсинлар. Кредитлар беришда, уруғлик, ўғит, кўчат, омуҳта ем, бузоқ ва қўзиларни, жўжа ва чўчқа боласини сотиб олишда, шунингдек техника, асбоб-анжом ва биноларнинг материаллари билан таъминлашда уларга ёрдам берилсин.

Республика ҳукумати, ҳуқуқ органлари партиянинг мулкчиликнинг ҳамма шаклларидан эпчиллик ва самарадорлик билан фойдаланиш тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун ер участкалари ва томорқа участкалари ажратиб бериш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақидаги таклифларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон ССР Олий Советига тақдим этсин;

колхозчиларнинг, совхоз ишчилари ва хизматчиларининг, қишлоқ жойларида яшовчи бошқа гражданларнинг томорқа ерлари (хусусий полизлар)ни ажратиб бериш тўғрисидаги аризалари ҳар бир конкрет ҳолда илгари ажратиб берилган томорқа ерларидан амалда қандай фойдаланилаётганлигини, ойланинг ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашувини, асосий ишлаб чиқариш фаолиятига зиён етказмай қўшимча ерларга ишлов бера олиш имкониятини ҳисобга олиб кўриб чиқилиши керак.

Қўшимча томорқа ерлари (хусусий полизлар)нинг миқдори ҳар бир ҳолда колхозларнинг умумий йиғилиши ёки колхозлар вакиллари йиғилишининг ва совхозлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари меҳнат коллективлари кенгашларининг қарорига биноан белгиланади ва маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва район ижроия комитетлари ҳузурида янгидан барпо этилаётган якка тартибдаги уй-жой массивларини инженерлик жиҳатдан таъминлаш (сув, газ, электрлаштириш) ҳамда комплекс қуриш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш учун совет ва хўжалик органларининг раҳбар ходимларидан махсус группалар ташкил этилсин, бунинг учун колхозлар, совхозлар, корхоналар ва ташкилотларнинг кучлари, маблағлари ҳамда моддий ресурслари жалб этилсин.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси кўтарилсин, колхоз ва совхозлардаги корхоналарнинг якка тартибдаги қурилиш учун материал ресурсларини тўлдириш мақсадида ғишт, оҳак ва бошқа бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш борасидаги ишининг сменалик коэффициенти оширилсин. Янги корхоналар қуришга ҳамда ишлаб турган корхоналарни ривожлантириш ва кенгайтиришга алоҳида эътибор берилсин.

Халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари, Ўзбекбирлашув ва унинг жойлардаги органлари томорқа участкаларида етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашни тубдан яхшилаш юзасидан қатъий чоралар кўрсинлар, бу ишда шартномавий асосларни такомиллаштирсинлар, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини, коллектив боғдорчилик ва полизчиликни ривожлантириш соҳасида КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг тегишли қарори бериб қўйган имкониятлардан тўлиқроқ фойдалансинлар;

Ўзбекистон давлат банки, Ўзбекистон агросаноат банки, Ўзбекистон саноат қурилиши банки, Ўзбекистон уй-жой-социал банки, Ўзбекистон жамғармалар банки якка тартибдаги уй-жой қурилишига кредит ресурсларини кўпайтириш учун қўшимча имкониятларни қидириб топсинлар;

колхоз ва совхозларга мукофот фонди ҳисобидан молия-хўжалик фаолияти якунларига кўра қишлоқ ҳамда посёлка Советлари ижроия комитетларининг раҳбарлари ва аппаратига мукофотлар беришга рухсат этилсин;

Ўртоқ И. Ҳ. Жўрабековга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг якка тартибдаги уй-жой қурилишини ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришга доир вазифаларнинг ҳал этилиши учун партия, совет ва хўжалик органларининг масъулиятини ошириш тўғрисидаги қарори лойиҳасини тайёрлаш топширилсин.

Кенгаш белгиланган тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши учун халқ депутатлари қишлоқ, посёлка, район, шаҳар ва область Советлари асосий жавобгар бўлишлари керак, деб ҳисоблайди. Ана шу Советлар мазкур масалаларни нечоғлик чаққон ҳал этишларига қараб уларнинг обрў-эътибори, аҳолининг талаб-эҳтиёжларига муносабати амалда синаб кўрилади. Маҳаллий Советлар ушбу қарорнинг бажарилишини назорат остига олсинлар.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади. Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси М. М. Мирқосимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолигига кандидатлар Ҳ. Алимова, Б. Ф. Сатин қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

УЗОҚ йиллик ҳалол меҳнатлари, ёш ишчиларга касб маҳоратини ўргатишдаги хизматлари учун Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг саллоҳи **Тўрабой Аҳмаджоновга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган мураббий» фахрий унвони берилди.

* * *

КЎП йиллик ҳалол меҳнатлари, план топшириқларини мунтазам ошириб бажарганлиги ва жамоат ишларида фаол қатнашганлиги учун Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг гўшт нимталовчиси **Ҳасан Ғуломович Рўзиевга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвони берилди.

* * *

ҚИШЛОҚ хўжалиги соҳасидаги кўп йиллик ҳалол меҳнатлари, парваришлаш ҳамда меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини жорий этиш ҳисобига пахтадан мўл ҳосил олганлиги учун Чиноз районидаги К. Маркс номли колхознинг пахтачилик бригадаси бошлиғи **Баҳром Умаровга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвони берилди.

• *Кандидатлик стажи—синов муддати*

Ишончга муносибми?

У район партия комитетининг бюро мажлисидан ҳаяжон билан чиқди. Қулоқлари тагида ҳамон кафолат берган коммунистлар сўзи янграрди.

— Биз сенга ишонамиз, Ғайрат, ишончимизга муносиб бўл.

Бу сўзларни кекса коммунистлар Муборак Маматова ва Сапар Худойбергенов айтишган эди. Муборак опа Ғайратни ёшлигидан яхши билади. Сапар ака эса 11 йилдан бери Ғайрат ишлаётган бригадада механизаторлик қилаяпти. Бу коммунистларнинг ҳар иккаласи фидойи, эл-юрт ишига ўзларини бахшида қилган инсонлардир. Ғайрат меҳнатга муносабатни, одамлар билан ишлашни улардан ўрганди. Уни коммунистлар ишда обдон синашди, қийин дамларда ўзини қандай тутишини кузатишди. Деҳқончиликда эса бундай жиддий ҳолатлар кам бўлмайди.

1987 йили Ғайрат бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси коллективи йиллик пахта ва каноп тайёрлаш планини бажара олмади. Лекин ёшлар руҳан тушишмади. Бу йилнинг ҳиссасини келаси йилда чиқаришга олдиндан бел боғлашди. 1988 йилда натижалар бутунлай бошқача бўлди. Чамаси инсон омилига эътибор кучайганлиги учун ҳам шундай бўлди. Бригада дала шийпони район комсомол-ёшлар бригадаси дала шийпонлари ўртасида ғолиб деб топилди. Коллектив 89 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан қарийб 30 центнердан пахта олди. Каноп ҳосилдорлиги гектар бошига 169,8 центнерни ташкил этди.

Бригада коллективи бу йил ишни янада яхшилашга ҳаракат қилаяпти. Об-ҳаво инжиқликлари комсомол-ёшлар бригадасига ҳам катта зарар келтирди. Чигит ҳам, каноп ҳам қайта экилди. Коллектив ишни ижара пудрати асосида ташкил этиб, ҳосилни эрта етиштириш учун курашаяпти. Шундай ташаббускорлиги ва уддабуронлиги учун ҳам колхоз коммунистлари Ғайрат Эшматовни ўз сафларига қабул қилдилар.

— Колхозимизда ёш коммунистлар кўп,— дейди «Ленинград» колхози партия комитетининг секретари М. Абдураманов.— Ғайрат эса улар орасида энг фаол ёшлардан бири. У айни пайтда хўжалик 2-участкаси цех комсомол ташкилотининг секретари ҳам. Бундай ёшлардан умидимиз катта.

С. МУСТАФОЕВ,
Т. МЕҲМОНҚУЛОВ,
Ғалаба райони.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Тиллар тўғрисидаги қонуни лойиҳаси муҳокамада

ТАКЛИФ ВА ЭЪТИРОЗЛАРИМ

Мамлакатимизда узоқ вақт миллий тилларга иккинчи даражали деб қараб келинди. Натижада рус тилининг роли ортиб борган сари миллий тиллар фақат уйрўзғор тилларига айланиб қолди. Кейинги йилларда ҳаётимизга кириб келган қайта қуриш ва ошкоралик туфайли тил соҳасидаги нотўғри сиёсат қаттиқ қораланди, ҳар бир миллат ва элат ўз тилини, урф-одатини ривожлантириши учун бирмунча имкониятлар яратила бошланди.

Матбуотда муҳокама учун эълон қилинган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Тиллар тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси ҳам шундай ижобий ўзгаришларнинг натижасидир. Сабаби, бу қонун республика территориясида ўзбек тилини давлат тили сифатида расман қўллашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради. Бу яхши, албатта. Лойиҳада ўзбек тилини кенгроқ қўллашга имкон берадиган анчагина моддалар мавжуд. Лекин шу билан бирга бир неча таҳрир талаб ўринлар ҳам борки, бу ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига қарамай амалда иккитиллиликка олиб келади.

Жумладан, лойиҳанинг 1 боб 3-моддасида: «Ўзбекистон ССРда рус тили миллатлараро муомала воситасидир», дейилади. Рус тили СССРда миллатлараро муомала воситаси. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Аммо республикамизда, менимча, давлат тили муомала воситаси бўлиб хизмат қилиши керак. Шу ерда нима учун деган савол туғилади. Биринчидан, Ўзбекистон аҳолисининг 70 фоиздан кўпроғини ўзбеклар ташкил этади. Ҳамма вақт, ҳар қандай жамиятда кўпчилик халқнинг тили муомала воситаси бўлиб келган. Иккинчидан, шу қонун лойиҳасининг VI боб 26-моддасида: «Ўзбекистон ССР гражданларнинг дарслар ўзбек тилида ўтилмайдиган умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқув программасининг мажбурий фани сифатида ўзбек тилини ўрганишини... таъминлайди, тегишли тил бўйича битирув имтиҳони топширилади», дейилган. Бу республика аҳолиси кўпмиллатли, ўзбек тили муомала воситаси бўлолмайди деган фикрларни никор этади. Бизнингча, барча ўқув юртларида ўзбек тилини ўрганиш таъминланганидан сўнг ўз-ўзидан ўзбек тили муомала воситаси бўлиб қолиши керак. Шуларни ҳисобга олиб, лойиҳанинг I боб 3-моддасини «Ўзбек тили — миллатлараро муомала воситаси, деб ўзгартишни таклиф қиламан.

Лойиҳанинг III боб 9-моддасида «...ҳужжатлар ўзбек тилида, зарурат бўлганда рус тилида ёзилади», дейилган. Бу ерда зарурат мавҳум тушунча бўлиб қолган. Қандай ҳолларда ҳужжатларни рус тилида ёзиш шартлиги аниқ айтилиши керак, деб ҳисоблайман. Менимча агар Қонун шу лойиҳа асосида қабул қилинса, ҳужжатлар ҳозир қандай олиб борилаётган бўлса, бундан кейин ҳам шундайлигича қолаверади. Чунки республикамизнинг кўпгина идора ва ташкилотларида ҳужжатларни рус тилида олиб бориш одат тусига кирган. Бундан воз кечиш осон эмас, албатта. Зарурат юзасидан ҳужжат рус тилида ёзилди, дейиш учун эса ҳамиша баҳона топилади.

Қонун лойиҳасининг IV боб 12-моддасида шундай жумлалар бор: «Муассаса, корхона ва ташкилотнинг ходимлари билан раҳбари ўртасидаги хизмат юзасидан бўладиган муносабатларда муомала ва ахборот тилини тобе ходим танлайди. Раҳбар муомала ва ахборот тили сифатида ўзбек тилини ёки рус тилини мумкин».

Эътибор берсангиз, иккинчи гап биринчи гапни инкор этаяпти. Лойиҳа бўйича иш тутиладиган бўлса, рус тилини билмаган ишчи раҳбарга ўзбек тилида гапиришга ҳақли. Аммо раҳбар унга рус тилида жавоб берса ҳам бўлаверади. Ахир бу мантиқсизлик-ку! Шуннинг учун бу моддани қуйидагича таҳрирда бериш керак деб ҳисоблайман: «Муассаса, корхона ва ташкилотнинг ходимлари билан раҳбари ўртасидаги хизмат юзасидан бўладиган муносабатларда муомала ва ахборот тилини ходим танлайди. Раҳбар муомала ва ахборот тили сифатида ўзбек тилини ҳамда рус тилини билиши шарт».

Кейинги пайтларда эски ўзбек ёзуви ҳақида кўп гаплар бўлаяпти. Классик адабиётимиз, 30-йилларгача яратилган барча маънавий бойликларимиз шу ёзувда яратилганини ҳисобга оладиган бўлсак, эски ўзбек ёзувини ўргатишни мактаб программасига киритишнинг аллақачон вақти келди. Ахир фарзандларимиз қанча кўп тилни, қанча кўп ёзувни билса шунча яхши эмасми? Шу нуқтан назардан Қонун лойиҳасига эски ўзбек ёзуви тўғрисида модда (VI боб 24-модда) киритилгани ҳайрли иш бўлган. Мен бу моддадаги «Ўзбекистон ССР араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувини ўрганишни истайдиган гражданларга ёрдам беради. Бунинг учун тегишли илмий-педагогик кадрлар тайёрлайди, тарихий-адабий манбалар ва методик ўқув қўлланмалари нашр этилади», жумласидан сўнг «Эски ўзбек ёзувини ўқитиш мактаб программасига киритилади ва юқори синфларда ўргатилади» деган қўшимча киритилса мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблайман.

Булардан ташқари Қонун лойиҳасининг IV боб 13-моддаси: «Ўзбекистон ССР Давлат арбитражи органлари муассаса, корхона ва ташкилотлар ўртасидаги хўжалик низоларини ўзбек тилида қараб чиқадилар», шу бобнинг 21-моддаси: «Ўзбекистон ССР граждан ҳуқуқидаги ўзгаришларни қайд этиш органларида ҳужжатлар давлат тилида ёзилади» деган таҳрирда қонунлаштирилишини таклиф этаман.

Б. ЭГАМҚУЛОВ,
журналист.

ИСТАЙМИЗКИ...

«Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги қонуни» лойиҳасини Ғалаба районидаги Свердлов номли колхоз аъзолари ҳам қизғин муҳокама қилиб, бир қатор мулоҳаза, таклиф, истакларни билдирдилар.

Норхўжа ҲУСАНОВ, бригада бошлиғи:

— Бизни «Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги қонуни» — сарлавҳасидаги «Тиллар» сўзи ўйлантириб қўйди. Фикримизча, уни «Тил» деб ўзгартириш мақсадга мувофиқдир. Ахир лойиҳада битта тилга давлат тили мақоми бериш ҳақида гап бормоқда-ку!!

Очиғини айтганда биз катта йиғин ва давраларда маърузаларни ўз тилимизда эшитолмай, ўз тилимизда сўзга чиқолмай қийналардик. Лойиҳада бундай ҳолга барҳам беришга кафолат бера оладиган модда йўқ. Шунинг учун ҳам VI боб 12-моддасининг сўнгги жумласини **«Раҳбар муомала ва ахборот тили сифатида фақат давлат тили ҳисобланган ўзбек тилини қўллаши шарт»** деб ўзгартириш зарур. Ана шунда қишлоқ районларида ишлаш учун раҳбар тайинланганда унинг тилни қай даражада билиши, албатта, ҳисобга олинарди.

Узоқбой ФАРМОНОВ, звено бошлиғи, тракторчи:

— Лойиҳа бизга, асосан, маъқул. Ўзбек тилининг давлат тили сифатида расман қўлланиши учун ҳуқуқий асослар белгилаб қўйилиши айни муддаодир.

VI боб 25-моддада таъкидланганидек, Ўзбекистон ССР территориясидаги халқларнинг «Билим олиш ҳуқуқини амалга ошириш кафолатлари», шунингдек «...миллий гуруҳлар ғуж яшайдиган жойларда эса ўша миллат тилида ҳам умумий ўрта маълумот олиш ҳуқуқига кафолат берилади». Бу ҳақиқатан ҳам анчадан буён етилган, ечимини кутаётган муаммолардан биридир.

Қишлоғимиз колхоз марказидан анча олисда. Қишли-қировли кунларда, айниқса, бошланғич синф ўқувчиларининг у ердаги қозоқ ўрта мактабига қатнаб ўқишлари амри-маҳол бўляпти. Қонун кучга киргач эса бизга ўхшаш олис қишлоқлардаги ғуж яшайдиган миллат ва элат фарзандлари учун махсус мактаблар очиш имконияти очилади.

Замира ТОШЕВА, сут соғувчи:

— Биз чорвадорларга савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш анча яхши йўлга қўйилган. Бироқ, маиший соҳаларда ишловчиларнинг кўпчилиги фақат рус тилида мулоқотда бўлишади. Бизни эса бу анча қийнаб қўяяпти. Лойиҳанинг II боб, 8-моддасида «Хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари давлат тилини ёки рус тилини билмаслик баҳонасида хизмат кўрсатишдан бош тортишга ҳақли эмаслар» дейилган. Менимча, шу жумла аниқлик киритишни талаб этади. **«Хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари давлат тили — ўзбек тилини билишлари шарт»** деб аниқ тузатиш киритиш лозим.

Суҳбатни Р. ЙЎЛЧИЕВА ёзиб олди.

ҚОНУН ПУХТА БЎЛСИН

«Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Тиллар тўғрисидаги Қонуни» эълон қилинганига анча бўлиб қолди. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши тарихий воқеа. Бу кейинги йилларда эътибордан четда қолаётган она тилимиз — ўзбек тилига меҳр-муҳаббатимизни яна бир карра таъкидлайди. Унинг республикамиздаги ролини оширади. Шундай экан, қонуннинг ҳар бир банди жуда пухта бўлмоғи, қайта-қайта таҳрир қилинмоғи лозим. Лекин уни синчиклаб ўрганган киши бу ҳужжат нимадандир ҳадиксираб ёзилганлигини сезади. Умумий қоидалар бўлимидаги 1, 2, 3-моддалардаги фикрлар қайтариқ эмасмикин?! Худди шу бандлардан бири — 3-банд қайта қуриш жараёнида «Ўзбекистон ССР давлат ва жамоат органларининг республика чегарасидан ташқаридаги фаолияти томонларга, мақбул тилларда олиб борилади» тарзида ўзгартирилса, деган истакда эдик.

3 боб, 9-моддада «Мажлис ва бошқа кенгашларда қўлланадиган тил қоида тариқасида ўзбек тилидир» дейилган. Фикримизча, шу банддаги «қоида тариқасида» сўзлари ортиқча. Бу банд шундай бериладиган бўлса, амалда ҳеч нарса ўзгармайди. Илгари мажлислар, кенгашлар қандай олиб борилган бўлса, бундан кейин ҳам шундай бўлади, деган маъно чиқади. 9 боб 32-модда ҳам таҳрирга муҳтож. Расмий муҳрлар, штамплар, бланкалар илгаригидек икки тилда эмас, фақат давлат тилида берилса, деган фикрда эдик. Ҳозирга ча улар икки тилда бериб келинди. Агар бу ҳол ҳам давом этса қонунда амалий ўзгариш сезмаган бўламиз.

Х. МУРАТОВ, Н. АСОМОВ,
ўқитувчилар, Бўстонлиқ райони.

● УШБУ суратда Олмалиқ сут заводининг пешқадам ишчиси Гулнора Мирзавалневани кўриб турибсиз. У музқаймоқ ишлаб чиқариш жараёнларини пухта ўзлаштирган. Ёзнинг бугунги жазирама кунларида ҳам смена топшириқларини ортиғи билан бажариб, аҳолининг ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондиришга муносиб ҳисса қўшяпти.

А. Жданов суратга олган.

УЙ-ЖОЙ ҚУРИШМОҚДА

«УЗАГРОПРОМСТРОЙ»нинг Ўрта Чирчиқ районидаги 22-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари бу йил катта марраларни кўзлаб ишлашяпти. Улар бош пудрат бўйича 5 миллион 286 минг сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга аҳд қилишган.

Бунёдкорлар шу кунгача районнинг К. Маркс ва Ким Пен Ҳва номли колхозларида 2 минг 178 квадрат метр саҳнли 11 та уйни фойдаланишга топширдилар. Уйларнинг саккизтасини колоннанинг Омилбой Умирбоев етакчилигидаги илғор бригадаси қурувчилари бунёд этишди.

— Бригадамизда ўн беш нафар малакали қурувчи меҳнат қилади,— деди у биз билан суҳбатда.— Уларнинг ҳар бири гишт териш, бетонлаш, сувоқ ишлари ва пардозлашнинг ҳамма турларини пухта эгаллашган. Шунинг учун ҳам ишларимизни комплекс тарзда олиб бориб, муваффақиятларни қўлга киритяпмиз.

Бригада коллективи йил бошидан бери 70 минг сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишларини амалга оширди. Уларнинг бу муваффақиятга эришишларида ташкил этилган шахсий социалистик мусобақа ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор усуллари асосий омил бўлиб хизмат қилди. Пешқадам қурувчилар йил охиригача район ҳўжаликларида кўплаб социал-маиший объектлар қуриб фойдаланишга топширадилар.

А. ЖАББОРОВ.

Металл ўрнига пластмасса

«УЗТРАНССПЕЦСТРОЙ» ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари қурилишда техника тараққиётини ривожлантиришга озми-кўпми ҳисса қўшиб келмоқдалар. Улар жуда кўп янгиликлар яратишди. Шулардан бири пластмасса қувурларидан турли иншоотларни бунёд этишда кенг фойдаланишга қаратилгандир. Металл қувурлари ўрнида пластмассадан ясалганларини ишлатиш катта иқтисодий самара бермоқда.

Мутахассислар пластмасса қувурларни бир-бирига пайванд қилувчи агрегатлар ҳам яратишган. Бу соҳада улар Украина ССР Фанлар академиясининг Е. О. Потон номидаги электр пайвандлаш институтидаги пластмассаларни пайвандлаш бўйича тармоқлараро марказ ва Бутуниттифоқ махсус қурилиш монтаж илмий-тадқиқот институтининг Киев филиали олимлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқдалар. Биргаликдаги изланишлар анча самарали бўлмоқда.

— Бирлашмамиз коллективи,— деди «Узтранспецстрой» бирлашмаси механизация хизмати ходими, янги ишланманинг ташаббускорларидан бири Владимир Валентинович Рулев,— Ўзбекистонда биринчи бўлиб қувур ўтказгичлар қурилишида пластмасса қувурларини ишлатишни ўзлаштирди ва йўлга қўйди. Ҳозирги вақтда республикадаги кўпгина қурилишларда бу янгиликдан фойдаланилмоқда. Шуни айтиш кифояки, фақатгина сўнгги йилларда бирлашмамиз бўлинмалари қувур ўтказгичлар қурилишида диаметри 110 дан 315 миллиметргача бўлган 900 тоннадан ортиқ пластмасса қувури ётқиздилар. Бу билан қимматбаҳо 3,5 минг тоннадан кўпроқ пўлат қувурлар тежаб қолинди. Республиканинг барча областларида пластмасса қувурлари ётқизилмоқда. Тошкентдаги қатор корхоналарда, Ангрендаги кўмир разрези ва картон фабрикасида, Фарғона ва Қўқондаги химия корхоналарида, Жиззах, Самарқанд ва Андижондаги пайпоқ фабрикаларида шундай арзон ва чидамли қувурлар ишлатилди.

● *Фан—техника тараққиёти йўлидан*

Бирлашмамизда бундай қувурлар учун турли хил шаклдаги қисмлар ишлаб чиқариш ҳам тобора кенг йўлга қўйилмоқда. Ҳозирги вақтда шундай қисмларни қолиплайдиган асбоб-ускуналардан 50 таси ишлаб турибди. Ўқув марказида пластмасса қувурларни пайванд қилиш бўйича мутахассислар ҳам тайёрланмоқда.

Бир вақтлар пластмасса қувурларини кенг қўлланишда қийинчиликларга дуч келинарди. Бинокорлик ташкилотларини турли шаклдаги қисмлар билан таъминлаш яхши йўлга қўйилмаган, бундай қисмларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар етишмас эди. Бироқ мутахассисларнинг изланиши билан бу муаммо бартараф этилди. Рационализаторлардан бирлашма бош инженери Т. Шарофиддинов, мастер В. Бриндин ва слесарь С. Блохинлар полиэтилен қувурларидан турли шаклдаги қисмлар тайёрлаш бўйича янги линияни ишлаб чиқдилар, ясадилар. Унинг бир маромда ишлаши туфайли турли шаклдаги қисмлар қурилиш объектларига етарли миқдорда етказиб берилмоқда.

Бироқ, ютуқлар қатори камчиликлар ҳам бор. Шу туфайли бундай прогрессив материални ҳамма жойда кенг жорий қилиш мумкин бўлмаяпти. Уларнинг бири қурилишлар лойиҳасининг такомиллашмаганлигидадир. Уларда металл қувурларни пластмассадан ясалганлари билан кўпроқ алмаштириш назарда тутилмайди. Бунинг устига илгари тайёрланган лойиҳаларда металл, сопол, асбоцемент қувурлари ўрнига арзон пластмасса қувурларини ишлатиш юзасидан ўзгартириш киритишга буюртмачилар ҳар доим ҳам кўнавермайди. Бизнингча пластмасса қувурлардан фойдаланишга бўлган ёндашувни тубдан ўзгартириш керак. Бундай арзон, чидамли қурилиш материалидан кенгроқ фойдаланиш керак.

В. ТИРИН.

МАРКАЗДАГИЛАРДАН ҚОЛИШМАЙДИ

КЎПИНЧА кишилар дам олиш ёки даволаниш учун фақатгина марказий курортларга боришга ҳаракат қилишади. Не-не қийинчиликлар билан йўлланмалар топишади. Тополмаганлар эса отпускани олишади-ю, йил давомида жамғарган маблағларини белларига тугганча йўлга тушишади. Натижада на бошпана, на егулик овқат тополмай сарсон бўлиб юришади. Ҳар бир кун учун фалон сўм тўлаб, яқин атрофдаги хонадонларга жойлашишади.

Ўзбекларда «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деган мақол бор. Дарҳақиқат, биз ўзимиздагиларнинг қадрига етмаймиз. Аввалари мен ҳам дам олиш учун Қрим тарафларга боришга ҳаракат қилардим. Тошкент шаҳрининг ёнгинасида эса «Чинобод» санаторийси борлигини билмас ҳам эканман. Шу ерда дам олиб, даволандим. Ҳавоси тоза, шаҳар шовқин-суронларидан ҳоли бўлган бу яшил зона кишига тетиклик, хуш кайфият бахш этади. Сочи, Пятигорскдан фарқи шундаки, йўл юриб, вақт сарфламайсиз.

Санаторийда асосан ошқозон, жигар сингари органлар даволанади. Врачлар А. Эйдус, Г. Муҳаммадиева, В. Бородкина, массажчи М. Голованова, ҳамшираллар У. Ҳакимова, Л. Абрамова, В. Ворониналар даволанувчиларга ҳамиша парвона. Ҳар бир бемор аҳволини диққат билан кузатиб туришади. Айни кунда «Чинобод» санаторийсида Иттифоқимизнинг турли бурчакларидан келганлар шифо топишмоқда.

А. ПОРТНОЙ.

КЎПЧИЛИК ШИФО ТОПДИ

АБДУЛЛА ака пойтахтимиздаги Ҳамза театри ёнида «Ташгорпрокатразнобит» қошидаги холис хизмат бюросида врач Т. Солеев ишлаётганини эшитиб қолди-ю, тинчини йўқотди. Чунки у қизи Нигоранинг дардига анчадан бери шифо тополмай дили хира эди. Ҳар сафар овқатланганидан сўнг қорин оғриғига дош беролмаётган фарзандини кўрганда, ичичдан эзиларди. Кўп докторларга кўрсатди, аммо нафи бўлмади. Ниҳоят, ўзидаги инфра қизил нур ёрдамида шифо бахш этувчи Т. Солеев бу дарднинг илдизини топди. У қизчанинг ичаклари бир-бирига ёпишиб қолганини айтиб, тиғсиз усулда қўлидаги инфра қизил нур кўмагида уни даволади.

— Мен Тоҳир акадан чексиз миннатдорман, қизим бутунлай соғайиб кетди. Буни кўрган онам Ойбўстон опа ҳам оёқ оғриғини даволатиб, дарддан форғ бўлди, — дейди Абдулла ака. Биргина Пискент районидаги Тельман номли колхоздаги А. Ашировлар оиласидагилардан ташқари ўндан ортиқ беморларнинг дардлари ҳам чекинди. Қодир Исметов, Тўлқин Мусурмонов, Машраб Жамоатов, Тўйчи Тожиев кабилар шулар жумласидандир.

Ноёб қобилият эгаси бўлган Т. Солеев қабулига фақат Ўзбекистондан эмас, балки қўшни республикалардан ҳам беморлар келиб даволаниб кетишмоқда. Ичак касали билан оғриган чимкентлик Кеншукул Болчабоева, Свердловскдан муттасил бод оғриғига дучор бўлган Мария Пискареева, оёққўли фалажланган Ленинобод областининг Ганжи районидан Мавлуда Олимова, Ленинобод шаҳридан яхши гапиролмай, эшитолмай қолган Наимжон Сатторов...

Биз музикашунос Роза Горовецни холис хизмат бюросидан анча енгил тортиб, ташқарига чиқиб кетаётганда учратдик.

— Мувозанатимни яхши сақлай олмас эдим., Айниқса, кечга яқин қаддим ниҳоятда букилиб қолар эди. Мана ҳозир бир сеанс даволангандан сўнг ўзимни яхши ҳис этяпман. — дейди у.

...Торгина йўлакда беморлар навбат кутиб туришибди. Ичкарига кирдик. Оддийгина жиҳозланган, ўртадан парда билан ажратилган хона. Даволовчи Солеев навбатдаги беморни хонага таклиф этди. Парда ортига қўйилган даволаш столида муолажага киришди. У шифобахш қўлларини бемор боши узра маълум масофада юргизиб, инфра қизил нури билан таъсир эта бошлади. Бу муолажа бир неча дақиқа давом этди. Сўнг медицина ҳамшираси Мавлудага массаж қилишга рухсат этди.

Атрофга разм соламиз. Хона гарчи кичикроқ бўлса-да, ҳаммаёқ тоза, озода. Даволаш столи устига оқ матолар ёпилган. Қўшни хонада дезоланганидан сўнг чиққан беморлар турли хил ширинликлар билан иссиқ чой ичишиб, ҳордиқ чиқаришмоқда. Сабаби, қоида шундай. Даволанган заҳоти кўчага чиқишга рухсат берилмайди. Бемор 10—15 минут дам олиш хонасида нафасини ростлаши керак. Бизни беморларга бўлган муомала севинтирди. Т. Солеев, силовчилар Мавлуда Низомова ва Амина Мирзаевалар ширин сўз.

— Мен Самарқанд Давлат университетининг француз тили факультетини тугатганман, — дейди Т. Солеев.— Сўнг Тошкент область партия комитети қошидаги марксизм-ленинизм университетини битирдим. 7 та тилни биламан. Тўсатдан оғир касал бўлиб қолдим. Тўрт ой даволандим. Шифо топмадим. Москвада олимлар назоратидан ўтганимда менда инфра қизил нури борлигини аниқлашиб, шу соҳада одамларни даволашимга рухсат беришди. Бу орада Тошкентдаги медицина билим юртига ўқишга кириб, уни тугалладим. Холис хизмат бюроси ташкил этганимдан сўнг баъзи тўсиқларга учрадим. Менинг даволаш усулимга шубҳа билан қаровчилар ҳам бўлди. Лекин ҳақиқат қарор топди. Уч йил давомида кўплаб одамларни дарддан форғ этганимдан хурсандман. Ҳафта давомида 22—24 беморни қабул қинаман. Бир сеанс 5 кун. Аҳволи оғир беморлар белгиланган муддатдан сўнг иккинчи, учинчи сеансни ҳам оладилар.

— Авлодингизда табиблик билан шуғулланувчилар борми?

— Ҳа, бобом машҳур табиб ўтганлар. Ҳозир акам Ҳасан Солеев Самарқандда табиб.

Биз дил сўзлари изҳор этилган миннатдорчилик дафтарини варақладик:

— Ўғлим Исмоилнинг қулоғи яхши эшитмасди. Бундан онламиз аъзолари билан ниҳоятда хавотирда эдик. Тоҳиржонни кўпчилик дардига малҳам бўлаётганини эшитиб, унинг ҳузурига келдик. Беш кун даволагандан сўнг ўғлимнинг қулоғи 80 процент эшитадиган бўлиб қолди. Хурсандлигимизни сўз билан ифодалаш қийин. Раҳмат, Тоҳиржон!

Т. АШУРОВА,
Андижон область, Ленин районидаги Победа колхози.

Тошкент шаҳридаги Акмал Икромов районидан Мирзаевлар оиласи аъзолари ўз миннатдорчиликларини қуйидагича баён этганлар:

—Ўғлимиз Умиджон бир йилдан ортиқ бронхиал астма билан оғриди. Кўп жойларга қаратдик. Бўлмади. Т. Солеев даволагандан сўнг аҳволи яхшиланди.

Бундай миннатдорчилик мактубларини Тоҳир аканинг сеҳрли бармоқларидан шифо топган Октябрь районидан М. Раҳмонова, Акмал Икромов районидан М. Орипова, Оржоникидзе районидан Н. Савина, Чилонзор районидан Н. Рябова каби кўплаб беморлар ёзишган.

Халқ ҳурмат-эҳтиромига Тоҳир ака инсонийлиги, яхши фазилатлари туфайли ҳам эришмоқда.

— Яқинда болалар уйида бўлдим. Бир-биридан чиройли кўнгли ўксик гўдаклар. Отаона меҳрига зор бу болакайларга ҳам, моддий ҳам маънавий ёрдам зарур. Мен уларга май ойида 300 сўм пул ўтказдим. Бундан буён ҳам бу хайрли ишни мунтазам давом эттириш ниятидаман. Иккита фарзандим бор. Катта қизимни турмушга бердим. Кичиги уйда. Хуллас, одамдан дунёда яхши ном қолгани маъқул.

Шунинг учун бўлса керак, Тоҳир ака Оролни қутқариш фондига, Афғонистонда ҳалок бўлган жангчилар хотирасига ёдгорлик ўрнатишга, Тинчлик фондига маблағ ўтказди.

Кундан-кун холис хизмат бюросига келувчилар сони кўпаймоқда. Ахир ҳар бир бемор ҳам танини оғритмасдан, дори ичмасдан қисқа муддатда соғайишни орзу қилади. 1майга қадар бу ерда 1990 йилгача кишилар даволаниш учун навбатга ёзилиб бўлишди. Хизмат ҳақи ҳам қиммат эмас — каттаҳар учун бир сеанс — 35 сўм, ёш болалар учун 16 сўм.

1 январдан 1990 йилда даволаш учун беморларни рўйхатга олиш бошланади. Улар Тошкент шаҳридаги Навоий кўчаси 30-«а» уйга ёки 44-63-15 номерли телефонга соат 9.00 дан 14.00 гача мурожаат этишлари мумкин. Асосан эшитмайдиган, кўрмайдиган, оёқ-қўли ишламай қолган, юрак фаолияти ёки нерв системаси, ички аъзолар ҳасталиги билан оғриган, мувозанатини йўқотган беморлар дардига шифо топадилар. Тоҳир ака эса навбатда турадиган дардмандларни бажонудил даволашга доимо тайёр. Чунки у таъкидлаганидек, «Касалларни даволамаса, ўзи касал бўлиб қолади».

Шундай ноёб қобилият эгасининг эртанги кун режалари ҳам кенг кўламли. У республикадаги барча халқ назарига тушган табиб, телепатия, фолбин кабиларни бир ташкилотга бирлаштириб, ҳаётда уларнинг қобилиятидан одамларга кўпроқ наф келтиришдан иборат. Бу ҳақдаги унинг Москвага ёзган хатига ижобий жавоб олинди. Шунингдек, худди музика мактабларидаги қатори ёшларни табобат илмида ўқишни ташкил этиш ҳам Тоҳир аканинг орзу нияти.

М. ҚОДИРОВА,
А. ИКРОМОВ.

Суратда: шифокор Т. Солеев, силовчи М. Низомова беморни муолажа қилиш пайтида.

ЭПИНИ ҚИЛСА БЎЛАРКАН-КУ!

ҲАММАСИ қунтга, ихлосга, ишнинг ташкил этилишига боғлиқ, деб бежиз айтмайдилар. Тошкент районидаги Ленин номли колхознинг теплица хўжалигида бўлганимизда бунга тўла ишонч ҳосил қилдик.

Гап шундаки, бундан 3 йил илгари бу ерда аҳвол анча ночор эди. Ҳар бир квадрат метрдан бор-йўғи 5 килограммдан ҳосил олинарди. Нега десангиз, ер касалланганлиги, меҳнат интизомининг пасайиб кетганлигини рўкач қилишарди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлган. Бироқ эндиликда аҳвол бутунлай ўзгарган. Ҳозирги иссиқхона деҳқонлари 100—120 сўм маош билан «тирикчилик» қилишган бўлса, ҳозирги пайтда 250—300 сўм ва ундан ошириб пул олишмоқда. Ҳар бир квадрат метр майдон ҳосили кескин кўтарилди, 20 килограммгача етди.

Бу йил ҳам ҳосил мўл бўлди. Теплицага бориб у ердаги ишлар билан танишганлар «эпини қилса бўларкан-ку» деб деҳқонлар меҳнатига, маҳоратига тан беришмоқда.

Эпини қилишда эса ҳеч қандай айтарлик янгилик, «сир» йўқ. Энг муҳими оғизда эмас, амалда иш қилинмоқда, бу ерда.

Сабзавоткорлар масалани кўндаланг қўйишди.

— Энди қуруқ гаплар жонга тегди,— дейишди улар.— Шартнома тузиб, келишиб олдикми, энди бу ёғини бизга қўйиб берасизлар. Хўжайинлик қилмайсизлар. Манфаатдорликни ўрнига қўясизлар.

Ана шу йўлга қатъий амал қилинди. Ҳар ўн кунда деҳқонлар билан қилинган юмушлар, эришилган натижа

Озиқ-овқат программаси: илғор тажрибага кенг йўл

ҳақида ҳисоб-китоб қилинди. Пул бериб турилди. Сабзавоткорлар ерни тўйдиришга, соғломлаштиришга алоҳида эътибор бердилар. Ҳар гектар майдонга 200—300 тоннадан маҳаллий ўғит шоли қипиғига аралаштирилиб чиритиб солинди. Авваллари экин эндигина гуркираб ўсиб, ҳосилга кирганда илдизи чириб қуриб қоларди, сабаби ерга заҳарли химикатлар кўп солиниб юборилганлигидан деб хулосага келишди. Деҳқон ҳам ҳафсаласизлик қилган. Менга нима, деб қўл силтаб қўя қолганда! Энди ҳеч ким бундай деб айтолмайди. Тажрибакорлар, мутахассислар билан маслаҳатлашилиб, биринчи ҳосил йиғиб олингандан сўнг, албатта, азот ўғити беришни қатъий одат қилиб қўйишди. Бунинг фойдаси катта бўлди.

Оқпашша экинга катта зиён келтирарди. Ҳатто кўп хўжаликлар бу зараркунандадан «чўчиб» теплицага помидор экмай ҳам қўйишди. Йўқ, биз бундай йўлдан бормаймиз, дейишди уста деҳқонлар. Улар, қўл билан бўлса ҳам оқпашшани йўқотиш учун ҳаракат қиламиз, деб айтишди. Бу ҳашорат барг орқасига ёпишиб олиб уруғ қўяди. Айниқса эрта билан ғуж бўлиб ётади. Ана шундай пайтда деҳқонлар қўлда бу ҳашорат уруғларини териб олиб йўқ қилишади. Биологик усулдан ҳам фойдаланишни унутмадилар. Бундан ташқари теплица атрофига гир айлантириб болғар қалампири, бақлажон экиб қўйилди. Оқпашша бу экинларни «хуш» кўради. Шунинг учун ҳам унга ёпишади. Бу «тўсиқ» ҳам оқпашшани бир мунча камайтиришга ёрдам беради. Бошқа чоралар ҳам кўрилди. Теплица ичида ҳар ер —ҳар ерга елим суртилган оқ қозлар илиб қўйилди. Трубаларга салярка суркалди. Оқпашшаларнинг маълум қисми уларга келиб қўниб нобуд бўлади. Баъзан кучли босим билан экинларга сув пуркалиб қувилади.

Тажриба, маҳорат, интилиш — буларнинг ҳаммаси қўшилиб теплицада ишларнинг муваффақиятини таъминлади. Бу ерда иккита бригададаги ишлар оила пудрати асосида ташкил этилган. Мираҳмад Тожибоев, Ҳаким Қодиров, Насиба Исҳоқова сингари деҳқонларга — ҳаммаси бўлиб 66 кишига 10 сотиҳдан майдон бириктирилган. Ўтган йили улар ҳар бир квадрат метрдан 20 килограммга етказиб сабзавот ҳосили олдилар ва йил охирида 5—8 минг сўмдан қўшимча даромад қилдилар.

Бу йил ҳам теплицада ишлар анча самарали ташкил этилди. Район бўйича фақат шу хўжаликдагина теплица шароитида помидордан мўл, сифатли ҳосил олинди. Бодрингнинг биринчи ҳосили ўзидан ҳар квадрат метр ҳисобига 14 килограммдан хирмон кўтарилди.

Теплица сабзавоткорлари шу кунларда кузги-қишки ҳосилга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Н. ИСАЕВ.

УЛАР ҚАЙТИШМОҚДА

ФАРҒОНАДА юз берган ташвишли воқеаларга ҳам бир ойдан ошди. Лекин унинг таъсири ҳалигача тўлиқ бартараф этилгани йўқ. Бу Янгийўл районида ҳам ортиқча бесаранжомликларга сабаб бўлди. Чунки Янгийўлда 1562 хонадонда 16 мингдан ортиқ месхети турклар яшайди. Уларнинг кўпчилиги турли миш-мишлар туфайли ҳатто кўч-кўронини ортиб, бошқа жойларга кетиб ҳам қолишди. Аммо партия ходимлари, район ижроия комитети, қишлоқ Советлари ва жамоатчиликнинг актив ҳаракати зое кетмади. Бугун қишлоқлар, посёлкаларда хотиржамлик. Турк ўртоқларнинг кўпчилиги ўз иш жойларига, далаларига ҳам қайтиб кетишди.

— Дастлабки кунлари ҳақиқатан вазият жиддий эди, — дейди район ижроия комитети раиси Абдуғани Юсупов. — Барча ҳаракатларимизга қарамай 1372 оила Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон республикалари ва Россия Федерациясининг турли район, шаҳар ва қишлоқларига кўчишди. Айниқса турклар кўп истиқомат қиладиган «Интернационал», Калинин номли, «Ленинизм» колхозлари ва Энгельс номли совхозда аҳвол танг эди. Энг долзарб паллада ғўза парвариши ва бошқа дала ишлари тўхтаб қолди. Нима қилиш керак? Шаҳар партия комитети билан маслаҳатлашиб. Янгийўлдаги корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчиларига дала ишларида кўмаклашишларини илтимос қилдик. Уч кун давомида улар «Интернационал», Калинин номли колхозларда ғўзани чопиқ қилдилар, бошқа дала ишларини бажардилар. Уларни кўриб, аста-секин колхозчилар, месхети турк биродарларимиз ҳам далага чиқиб кетишди. Шу тариқа ишлар бироз юришди.

Вазнятни нормаллаштириш учун районда махсус штаб тузилди. Штаб аъзолари кенг тушунтириш ишларини олиб боришди. Ҳар бир уйга кириб, одамлар билан суҳбатлашишди. Бу тадбирлар айни кунларда ҳам давом эттирилмоқда. Биз районда бўлган кунимиз Энгельс номли совхоздаги 6 та месхети турк оиласининг Нальчик шаҳридан ўз ерига қайтиб келганлигини айтишди. Ана шулардан бири 26-ўрта мактаб ўқитувчиси Мамадали Иззатов билан суҳбатлашдик.

—Совхозимизда 373 хонадонда 3 мингдан ортиқ турклар бор эди. Уларнинг 90 проценти бошқа ерларга кўчиб кетди, — дейди М. Иззатов.— Албатта, Фарғона воқеаларининг ваҳимаси, турли миш-мишлар жуда ошириб юборилганлиги ана шунга сабаб бўлди. Аслида бизга ҳеч ким дўқ, пўписа, таҳдид қилгани йўқ. Лекин очиғини айтиш керак, одамларимизнинг фикри ҳалигача бундан ҳоли бўлгани йўқ. Мана шунинг учун ҳам кўпчилик қайтишга унамаяпти.

Ҳа, вазият ҳалигача бирмунча танглигича қолмоқда. «Интернационал» колхозидаги 248 хонадон уч кун ичида кўч-кўрони билан кетиб қолди. Ҳозиргача уларнинг 177 таси қайтиб келди. Аммо улар ҳам юкларини олиб келишмади.

— Дастлабки ташвишли кунларда колхоздаги Свердлов участкасида уч кунгача ҳеч ким ишга чиқмади. Марказий участкадаги 4-, 5-, 6-, 7-, 8-, 9-бригадаларда ҳам ишнинг тайини бўлмади. Территориямиздаги «Новомихайловка» луб заводи, 425-кўчма механизациялашган колоннада ҳам беш-олти кунгача иш тўхтаб қолди. Биз дарҳол бу ваҳима гапларнинг, миш-мишларнинг олдини олишга, уларнинг бекорчи гаплар эканлигини халққа тушунтиришга ҳаракат қилдик, — дейди «Новомихайловка» қишлоқ Советининг раиси Қолдибой Кучербоев. — Мана, ҳозир кўчаларимизда бекор юрган одамлар сони тобора камайиб бораяпти. Ҳамма далага чиқмоқда, томорқасида ишлаяпти. Хуллас, вазият нормаллашмоқда. Лекин кўнгилли дружиначилар, махсус штаб аъзоларининг ишини сусайитирмаяпмиз. Чунки арзимаган баҳона туфайли ортиқча танглик вужудга келиши мумкин.

— Ҳозирги кунда минг колхозчиимиздан 600 таси тўлиқ ишга чиқиб кетди, — қўшимча қилди «Интернационал» колхози раиси Илёс Зуфаров. — Биз биринчи навбатда халқнинг, одамларнинг кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилаяпмиз. Бунда Урушан Муродов, Ахат Мавлудов, Марди Аслонов сингари оилавий звеноларнинг бошлиқлари бизга яқиндан кўмаклашмоқдалар. Ҳар бири 28-30 гектар ерда пахта етиштираётган бу миришкорлар барча агротехника тадбирларини маромида ўтказиб, ғўза ривожини тезлаштирмоқдалар.

Ҳа, колхозда дала ишлари секинлик билан бўлса-да изга тушяпти. Вазият нормаллашмоқда. Биз хўжаликда бўлган кунимиз барча бригаларда техника ишлаётганлигини, одамлар зарур юмушларни бажараётганликларини кўрдик. Райондаги Калинин номли, «Ленинизм» колхозларида ҳам кўчиб кетган турк оилаларининг 80-90 проценти қайтиб келиб, ишни бошлаб юборганлигини айтишди.

Ф. МУҲИДДИНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг муҳбири.

ЯНГИ НАВ ТАРВУЗ

● САБЗАВОТ, полиз ва картошкачилик илмий тадқиқот институти олимлари тарвузнинг кузги-қишки «Гулистон» навини яратдилар. Гектаридан 500—600 центнердан ҳосил олиш мумкин бўлган бу нав 115—125 кунда етилади. Ўртача вазни 6—10 килограмм атрофида бўлиб, қишда ҳам яхши сақланади. Бундай тарвузни олис шаҳарларга ҳам юбориш мумкин.

Шунингдек, мазкур институт илмий ходими Э. Алиев сабзининг «Нурли» навини яратиб, ишлаб чиқаришга тақдим этди. Давлат синови комиссияси томонидан яхши баҳо олган бу нав келаси йилдан бошлаб областимизнинг бир қатор хўжаликларида экилади.

А. ФОЗИЛОВ.

ЎРИМ ЯКУНЛАНМОҚДА

● ҒАЛЛАКОРЛАР 1706 гектар майдондаги бошоқли дон экинларини 15 иш кунида тўлиқ ўриб-йиғиб олишга ахд қилишган. Ҳозиргача 1100 гектардан ортиқ ердаги дон йиғиштирилди. Лалми майдонлардаги ҳосилдорлик 10 центнери ташкил этяпти. Бу ишга 15 та ўрим комбайни жалб этилган.

Бу борада «Гулистон» колхози ғаллакорлари юқори натижага эришдилар. Улар 258 гектар ернинг ҳар гектаридан 12 центнердан ошириб дон олишди. Калинин номли, Тельман номли колхозларда ҳам бу борада юқори натижаларга эришилмоқда.

М. ФАТТОҲОВ.
Пискент райони.

БУКА районидаги «Кўкорол» совхозида ҳам кўпгина месхети турклари меҳнат қилишади. Улардан бири Мухтоз Ҳабибов оиласидир. Улар бу йил 20 гектар ердаги ғўзани парвариш қилишмоқда. Суратда М. Ҳабибов бошлиқ онла аъзолари.

М. Назаров суратга олган.

* * *

● Қайта қуриш шоирлар ижодида

ҚАЙТА қуриш — ғояг мураккаб жараён. У қадамба-қадам олға силжимоқда. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида унинг дастлабки нишоналари намоён бўлмоқда. Онгда, тафаккурда, муносабатларда янгича қараш, янгиланишга иштиёқ, интилиш ўзини тобора аниқроқ намоён этмоқда. Ошкоралик муҳити халқнинг ижодий имкониятларига, ўз-ўзини чуқурроқ англашга кенг йўл очяпти. Лекин бу — ҳамма ишлар осонгина кўчиб, кенг йўлга тушиб олинди деган маънони билдирмайди. Қайта қуриш — кураш, эскиликни енгиб ўтиш, олға силжишимизга халақит берувчи ҳар қандай салбий ҳолатлардан ҳоли бўлиш жараёнидир.

Мана шу жараён бадиий адабиётда ҳам ўз инъикосини топмоқда. Яқин ўтмишнинг ҳаққоний манзарасини гавдалантириб беришга бағишланган роман, қисса ва драматик асарларни қизиқиш билан ўқиялмиз. Бироқ қайта қуриш даврининг бутун мураккаблигини мукаммалроқ кўрсатадиган, янада теран бадиий тадқиқ этадиган асарларнинг энди яратилиши турган гап. Бадиий тафаккурнинг ҳозиржавоб тури ҳисобланган шеъриятда бу ҳодисанинг илк салмоқли намуналари пайдо бўлмоқда. Ардоқли шоир, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Абдулла Ориповнинг «Шарқ юлдузи» журналининг шу йил биринчи сонида эълон қилинган «Ранжком» драматик достони ана шу мавзуга бағишланган.

А. Ориповнинг турли йилларда яратилган «Жаннатга йўл» ҳамда «Ҳаким ва ажал» достонлари адабий ҳаётимизда воқеа сифатида қайд этилган эди. Орадан бир неча йил ўтиб шоир яна достон жанрига мурожаат қилибди. Достон шу кунлардаги аниқ ишларимизни, мураккаб кечаётган қайта қуриш даврининг айрим муаммоларини бадиий шаклда ўртага қўяди.

Достондаги воқеа гарчанд бир жойда — «Ҳашарот» деб номланган журнал редакциясида рўй берса-да, биз тарихимизнинг турли даврларига хос воқеа- ҳодисаларнинг гувоҳи бўламиз. Яқин ўтмишдаги айрим манзаралар билан ҳозирда содир бўлаётган воқеаларнинг муштарак ва зиддиятли жиҳатлари ҳақида фикр юритишга имкон топамиз.

«Ҳашарот» журналининг уч нафар ходими ишдан сўнг қолиб, янги жамият — Ранжком яъни инсонларни ранжитиш комитети тузишга ахд қиладилар. Улар ўзларича бу уюшмага аъзо бўлиш қоидалари, одамларни ранжитиш усуллари ҳақида қизғин баҳслашадилар. Охир-оқибатда бу комитетнинг ўз муҳри ва гимни ҳозирланади. Улар орасида бўлиб ўтадиган ўзига хос ана шу «қизғин» суҳбат ва баҳс достоннинг жозибасини таъминлайди. Асар сатирик руҳ билан йўғрилган. Шу туфайли унинг қаҳрамонларининг исми — Раис, Биринчи аъзо, Иккинчи аъзо ва Фаррош аёл тарзида шартлиликка асосланган.

Ранжкомни юзага келтирган шароит асар персонажларининг бири тилидан шундай изоҳланади:

Ҳар бирингиз биласизки,
мамлакат бўйлаб
Ошоралик, қайта қуриш
этмоқда давом.
Жуда муҳим жараён бу,
мен сизга айтсам,
Янгиланиб бораётир буткул
жамият.
Жафо чеккан ўз йўлига,
бизнинг учун ҳам
Етмиш йилда бир бор
келди бундай вазият.
Фойдаланиб қолмоқ керак,
фурсатни билиб,
Ошга қўлни чўзмоқ керак
беор ва хира.
Ўзингизни кўрсатингиз
фидойи қилиб,
Оғзингизга нима келса —
қайтарманг сира.
Гапингизда маза-матра
қолмаган чоғи
Халқ номидан сўзлайман,
деб ҳайқиринг паққос...

Ранжком раиси ва унинг икки аъзоси ҳасадгўй, бир-биридан қолишмайдиган ўта маккор ва ҳудбин кимсалар. Шоирнинг ютуғи шундаки, у бундай типларни вужудга келтирган муҳитни ҳаққоний чизиб бера олган. Шу жиҳатдан достондаги персонажлар ҳикоя қилаётган ҳар бир воқеа кўнгиларини кеча бўлиб ўтган ҳодисаларнинг бадиий умумлашмаси бўлиб гавдаланади. Масалан, воқеа содир бўлган ёки бўлмаган бўлиши ҳам мумкин. Бироқ кўчма маъно касб этган бу эпизод ҳозирги шароитда айрим касбдош одамлар ўртасида рўй бераётган «отишма»ларни бадиий акс эттирган дейиш мумкин.

Қайта қуриш жараёни катта ижтимоий кучларни ҳаракатга келтирди. Лекин мана шу ҳаракат панасида айрим салбий кучлар ҳам жон сақлашга интилмоқда. Уларнинг ҳаётий фалсафаси — мослашув, шароитга, юз бераётган ижобий ва ижодий муҳитга тезроқ киришиш, ўзларини халқпарвар, ишчан ва олижаноб қилиб кўрсатишга уриниш. Улар гўё ҳар бир чақириққа «лаббай!» деб жавоб берадилар, гўё олдинги сафларда бўладилар. Лекин ҳаракатлари мағзида ғараз, юзакичилик, алдам-қалдамлик. Буларни биз ҳар қадамда кўриб турибмиз.

Бу тоифа қавмнинг фалсафаси, ўз сўзлари билан айтганда, қуйидагича:

«Ҳа, атрофда кенг, каттакон
жамият ҳам бор,
Аён гапки, унинг йўлин
лар эмас. Улар муҳит — ижтимоий шарт-шароитнинг қонуний ҳосиласи бўлиб ўртага чиқадилар. Узоқ йиллар ҳукм сурган баробарчилик («куровниловка») фақат истеъмолчилик кайфиятида юрувчилар гуруҳини вужудга келтирганлиги кўпдан қайд этилмоқда. «Ранжком»даги салбий типлар ҳам бундан истисно эмас. Улар ўз хатти-харакатларини ўзларича тўғри ҳисоблайдилар. Асар қаҳрамонларидан бири 70 йиллик тарихимизни шундай таърифлайди:

Бу тузумнинг ярим умри
лоф билан ўтган,
Фуқаро ҳам усулига
кўникмиш ғоят.
Аксар ҳолда йўқ нарсани
бор қилиб битган
Ровийларни ҳанузгача тўқир
ривоят.

Достондаги марказий қаҳрамонлардан бири — Фаррош аёл. У — сталинизм ва турғунлик йилларининг маънавий қурбони. Бироқ у — ўз эътиқоди, инсоний фазилатларини йўқотмаган соф кучларнинг оддий вакиласи. Фаррош аёл ғаразу ҳасадга тўлган унсурларнинг бугунги шароитдаги қиёфаларини очиб берувчи образдир. Фаррош аёл ранжкомчилар тузган режадан тасодифан воқиф бўлиб қолади. Хонани супуриб, йиғиштириш учун кирганида янги ташкил этилган жамият аъзолари ўз мақсадларини унда синаб кўришга ахд қиладилар. Аввалига улар Фаррош аёлни «Замон ўзгарди, Сизда эса ташаббус йўқ», деб айблашга уринадилар. Аммо бундан бир иш чиқмайди. Кейин уни энг синалган йўл — миллатчига чиқариш билан бадном этишга ҳаракат қиладилар. Шунда Фаррош аёл: «Теран боқсанг, бир ҳолатни кўрасан зинҳор: Инсон фақат бўлингайдир яхши, ёмонга. Ўғри деган, Тўғри деган икки миллат бор», деб ғийбатчиларни мулзам қилади. Фаррош аёлнинг кескин раддияларини эшитган Ранжком аъзолари унинг устозини сўрайдилар. У турмуш ўртоғи 37-йилларнинг қурбони бўлиб кетганини ҳикоя қилиб беради. Фаррош аёлни «тузумдан аламзада» деб ҳисоблаган ранжкомчилар уни ўз жамиятларига аъзо, ҳатто раис қилиб олишга ҳаракат қиладилар. Ҳаёт фалсафасини, турмуш тарзини ҳалол меҳнат замирига қурган фаррош аёл уларнинг таклифини рад қилади ва ҳужумкорлик руҳида Ранжком аъзоларини фош этади...

Достоннинг бадиий қиммати ҳақида гапирадиган бўлсак, у ўзининг равон ҳикоя тарзи, баҳсларнинг табиийлиги ва драматик йўналиши, киноя ва қочиқларга бойлиги, ўринсиз жимжимадорлик ва безаклардан ҳоли эканлиги билан кўзга ташланади. Воқеаларга хос маром, салмоқ асар тилининг равонлигини таъминлаган. Айни кунларда достон Й. Охунбобоев номли республика ёш томошабинлар театри ва А. Қаҳҳор номли Сатира театрида саҳналаштирилаётгани унинг бугунги кунимизнинг қувонч ва ташвишларини ифодалаган асар эканлигини кўрсатади.

Анвар ЖАББОРОВ,
филология фанлари кандидати.

„РАНЖКОМ"

● ТАҚРИЗ ●

Иккинчи аъзо шундай воқеани гапириб беради: у истиқомат қиладиган маҳаллада Худойқул исмли атеист лектор яшайди. Худойқул Иккинчи аъзони «ёзғучи» деб нуқул ғашига тегиб келган. Қайта қуриш шароитида ўч олишга бел боғлаган Иккинчи аъзо Худойқул деган номдан сиёсий хато топади ва уни ўз исмидан «ихтиёрий воз кечишига»ча мажбур этади. Мана шу воқеанинг ўзи кичик бир масал тарзида берилган. Бу ерда рамзийлик бор. Бундан икки-уч йил аввал бўлиб ўтган шунга ўхшаш ҳодисанинг умумлашмаси бўлган бу масал яқиндагина масъул жойга ўтириб олиб, қанча ҳалол одамларни бадном қилишга уринган, оқибатда ўзи порахўрлиги учун қамалиб кетган айрим «раҳбарчалар»нинг қайта қуриш шароитидаги хатти-ҳаракатига қаратилган. Достонда шундай кичик-кичик бир неча воқеалар ҳикояти масал тарзида ўзаро боғлиқликда берилади. Улар бир-бирини давом эттиради, маълум маънода тўлдиради ва яхлит манзарага уюшади.

Достондаги қатор лавҳалар худди шу жиҳатдан кишининг диққатини ўзига тортади. Асардаги Овчилар союзи аъзоси мерган Овчи тақдири шулардан биридир. Мерган Овчининг омади доимо чаққон. Демак, у ўз соҳасининг моҳир устаси. Айни замонда, унинг истеъдодига ҳасад қилувчи одам ўч олиш пайида. Замон муаммоларидан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилган ҳасадгўй истеъдодли Овчига сен экологияни, жониворлар дунёсини қириб ташладинг деб маломат қилади. Бир қарашда бу айбномада асос бор. Туҳматнинг зарбидан Овчи ўлади ҳам... Бу ерда Овчи ва унга туҳмат ёғдирган касбдоши бадиий образ. Айнан шундай

бўлмайди ўсиб.
Шунинг учун дейман-да мен,
иш тутинг ҳушёр,
Шунинг учун дейман-да мен,
ниш ўрнинг пусиб.
Барча гапни ошкоралик
бўйнига юкланг,
Биз даврнинг аскаримиз деб
айтинг паққос.
Ҳолингизни бирор кимса
қилар бўлса танг,
Қайта қуриш душманн деб
солинг айюҳаннос.»

Достонда муваффақиятли топилган ташбеҳлардан бири музейларда турувчи «совут-қалқонли Ғовак гавда» билан бюрократларнинг асосий қалқони — мансаб курсиси ўртасидаги қиёсда кўзга ташланади.

Музейларда кўргансиз —
совут қалқонли
Ғовак гавда —сарбозларнинг
либослари бор...
Ана шунга ўхшаш эрур
амалдор одам,
Энг зўрин бюрократ дерлар
ашаддий.
...Темир совут қаршисида
миқ этмас авом,
Ичида ким иш юритар —
унга барибир.

Дарҳақиқат, айримлар тасаввурида ким қандай йўл билан мансабга чиқиб олса, бас, унга авом итоат этишга мажбур, бундан бўлак нарса ҳақида ўйлай ҳам олмайди деган андиша ҳоким. Бу фикрнинг катта ҳаётий асоси борлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Достондаги персонажларни ўзаро бириктириб турган ғоя ҳам шу масалада: пайтдан фойдаланиб, ўша совутларга кириб олинса, бас, у ёғида нима қилиш-қилмаслик фақат ўзларига боғлиқ. Қайта қуриш эса улар наздида бундай йўлга қулай фурсат яратди. Чунки «Бир килодан гўшт тарқатса одамлар ҳозир Шайтонни ҳам сайлаб қўярлар арши аълога».

Асардаги салбий типлар шунчаки лақма ва гўл одам-

СЎНГГИ СОАТДА

ВАШИНГТОН

Қўшма Штатларда миллий байрам — мустақиллик куни нишонланиши муносабати билан бир ҳафталик таътилдан сўнг бугун АҚШ Конгресси яна иш бошлайди. Вакиллар палатаси танаффусдан кейинги биринчи мажлисини душанба куни ўтказади, тўла составдаги сенат эса сешанба куни тўпланади. Америка қонун чиқарувчилари ишининг кун тартибига мамлакат учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган бир қанча масалалар киритилган. 1990 молия йилининг федерал бюджети лойиҳасини ва унинг таркибий қисмларини, шу жумладан Америка мудофаа программаси, социал таъминот, табиат ресурсларини муҳофаза қилиш масалаларини муҳокама қилиш, Америка жамияти турмушининг жуда хилма-хил жиҳатларига оид қонун лойиҳаларини қабул этиш ва бошқа кўпгина муаммоларни ҳал қилиш келгуси ҳафталар ва ойларда конгресс аъзолари бажарадиган вазифадир.

ВИТОРИЯ

Якшанба куни Испаниянинг мана шу шаҳрида Европанинг ядровий қуролсизланиш ҳаракати саккизинчи конвенти тугади. 1982 йилда Брюсселда тузилган ана шу жамоат ҳаракати ўз сафларида ягона мақсад — ядро қуролидан ва ҳарбий блоклардан халос бўлган Европани барпо этиш учун, Европа хавфсизлигини ва қуролсизланиш жараёнини мустаҳкамлаш учун кураш муддаоси билан бирлашган турли сиёсий ва диний маслакларга мансуб кишилар бор. Беш қитъанинг 47 мамлакатидан келган мингга яқин вакили анжуман кун тартибига киритилган долзарб масалаларни муҳокама қилди. Булар шарқ-ғарб муносабатларидаги кескинликни юмшатиш омилини ривожлантириш, ядровий ва химиявий қуролни тугатиш, Умумевропа хавфсизлиги ва ҳамкорлиги жараёнини давом эттириш, Умумевропа хонадонини барпо қилиш, Ўрта Денгизни ядросиз регионга айлантириш муаммолари эди. Конвентда биринчи бор Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш, денгизларни ҳарбийлаштирмаслик, шимол-жануб муносабатлари. Африка жанубидаги аҳвол, маҳаллий можаролар каби муаммолар ҳам кўриб чиқилди. Кун тартибидаги «СССРда қайта қуриш» масаласи конвент қатнашчиларини бениҳоя қизиқтирди, улар Совет Иттифоқида ўтказилаётган чуқур сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгартишлар халқаро муносабатларнинг бутун комплексига муҳим ҳайрли таъсир ўтказаётганини таъкидладилар.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

ПРАГА. Болалар хор коллективларининг иккинчи халқаро конкурси Чехословакиянинг йирик индустриал ва маданий маркази — Оломоуцда катта тантанали концерт билан ниҳоясига етди. Бу жозибадор қўшиқ байрамида Бельгия, Болгария, Венгрия, Совет Иттифоқи, ГФР ва Чехословакиядан келган ёш хонандалар қатнашишди. Эстониянинг Тарту шаҳридан келган болалар хори фестивалнинг олий мукофотига сазовор бўлди. Чехословакия ва Болгариядан келган коллективлар ҳам совринлар билан тақдирланишди.

(ТАСС, 10 июль).

11 ИЮЛЬ—МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ — ХАЛҚ РЕВОЛЮЦИЯСИ КУНИ

Дарханнинг янги қурилишлари.

А. Яковлев суратга олган. (ТАСС).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ *материаллари изидан*

«ТЎСИҚЛАРНИ КИМ ОЛИБ ТАШЛАЙДИ»

19 АПРЕЛЬ 1989 ИИЛ

БУ мақолада Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозини ривожлантиришдаги тўсиқлар, айниқса, етиштирилган маҳсулотларни давлатга топшириштаги, чорвачиликдаги муаммолар очиб ташланган эди. Мақолага «Ғазалкент» агрокомбинати бош директори К. Мирзахметов имзоси билан жавоб олинди.

«Тошкент ҳақиқати» газетасида «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозида хўжалик юритишда янги усулларни жорий этишдаги мураккабликлар, планлаштириш, маҳсулот етиштириш, сақлаш ва реализация қилишдаги муаммолар юзасидан берилган мақола «Ғазалкент» агрокомбинатида кўриб чиқилди, дейилади жавобда.

Мақола асосли ёзилган. Редакцияга ва материалнинг авторига агросаноатдаги энг ўткир масалаларни ҳал этишда ёрдам бераётганлиги учун миннатдорчилик билдирамиз.

Ҳақиқатан ҳам колхозларнинг янги Устави қабул қилингунгача хўжаликларда қишлоқ хўжалик экинларини қачон экиш, парвариш қилиш, планлаштириш, чорвачиликни ривожлантириш ва бошқа ишлар юқоридан келадиган буйруқлар асосида амалга оширилган эди. Ҳозирги вақтда, айниқса, бу йил колхозга ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ўз ерига қандай экинни қачон экиш, чорвачиликни қай йўсинда ривожлантириш бўйича тўла мустақиллик берилди. Хўжалик барча ишларни колхозчиларнинг умумий йиғилишида тасдиқланган колхозни беш йиллик ва йиллик иқтисодий-социал ривожлантириш планларига мувофиқ олиб бормоқда.

Лекин шунга қарамай колхоз мутахассислари ва «Ғазалкент» агрокомбинати томонидан ташкилотчиликнинг, қатъиятлиликнинг етишмаслиги бир қанча камчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Етиштирилган сабзавот ўз вақтида топширилмаётганлиги туфайли исроф бўлмоқда. Олдиндан тузилган шартномаларнинг бажарилиши барбод этилаётир. Кўп ҳолларда тайёрлов идоралари билан маҳсулотларни қабул қилиш графиклари пухта келишиб олинмаяпти. Бундан ташқари газетада таъкидланганидек, хўжаликка техника, ер участкалари ажратишда социал адолатнинг бузилишига йўл қўйилмоқда.

Юқоридаги ва бошқа йўл қўйилаётган камчилик ҳамда нуқсонларни тезроқ бартараф этиш бўйича колхоз правлениеси ва «Ғазалкент» агрокомбинати билан ҳамкорликда тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Масалан, қорамоллар наслини яхшилаш ҳисобига чорвачиликни тезроқ оёққа турғазиш, оралиқ экинлар экишни кенгайтириш ва озуқабоп экинлар ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига емхашак базасини мустаҳкамлаш учун имкониятлар изланмоқда.

Колхоз территориясида қурила бошланган, сўнгра тўхтатилган асбобсозлик заводи туфайли хўжалик кўрган 338 минг сўмлик моддий зарарни ундириб олиш бўйича ҳам иш олиб борилмоқда. Бунга жавобгар бўлган Аниқ асбобсозлик илмий тадқиқот институти устидан Москва шаҳар судига даъво билан мурожаат қилинди. Ҳозир бу иш ўрганилмоқда.

Редакцияга яна шуни маълум қилишни ҳам лозим деб ҳисоблаймиз. Юқоридаги даъво шу йилнинг апрель ойида Москва шаҳар Киров халқ судида кўриб чиқилди. Унда даъвогарлар номидан агрокомбинат бош юристи М. Турғунов иштирок этди. Айни пайтда бу ишга тааллуқли ҳужжатлар қайта кўриб чиқиш учун Москва шаҳар судига жўнатилган.

Маршрут: Чехословакия, Польша...

— Сафар баҳонасида уруш йиллари жанг қилган шаҳарларимни яна бир бор кўрадиган бўлдим, — дейди собиқ зенитчи, Октябрь район уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши аъзоси Азиза опа Қаландарова. — Чехословакия, Польша учун бўлган жангларда фаол иштирок этиб, икки марта яраланган эдим. Дарвоқе, биз билан бирга боряётган бошқа ветеранлар ҳам Европани фашистлар зулмидан озод қилишда ўз ҳиссаларини қўшишган. Жанг қилган жойларимиз бўйлаб сафар уюштираётган Тошкент область уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши раҳбарларидан ҳаммамиз миннатдормиз.

Сафарга отланган туристик группа составида 36 нафар уруш ва меҳнат ветерани бор. Уларга шахсий пенсионер, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Одил ака Носиров бошчилик қилмоқда. Область, Тошкент шаҳри районлари уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашлари ишини жонлантиришга, ёшларни интернационализм ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга

Оқ йўл, ветеранлар!

муносиб ҳисса қўшаётган отахон-онахонларимизга сафар йўлланмалари бепул, мукофот тарзида тақдим этилди. Ветеранлар бундай эътибор ва ғамхўрликдан чексиз миннатдордирлар. Сафар давомида улар саккиз кун Чехословакия ва олти кун Польша бўйлаб саёҳат қиладилар. Жойларда қуролдошлар билан қизиқарли учрашувлар, кечалар уюштирилади. Жангларда ҳалок бўлган ватандошларимиз қабрига гулчамбарлар қўйилади.

Туристик группа аъзолари сафарга жўнаб кетиш олдидан республика уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши раиси. СССР халқ депутати Р. Г. Ғуломов билан суҳбатлашдилар. Бундай сафарлар, қардошлар диёрида бўладиган учрашувлар халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва биродарлик туйғуларини янада камол топтиришга хизмат қилади, деган ишонч билдирилди. Ҳамма отахон ва онахонлар сафарига оқ йўл тилаб қолди.

Ж. НОСИРОВ.

Тошкент области уруш ва меҳнат ветеранлари сафар олдидан эсдалик учун вокзалда суратга тушишди. Суратчи А. Зуфаров.

САЁҲАТЛАР УЮШТИРИЛМОҚДА

● Мақсуд ШАЙХЗОДА номли район пионерлар уйида бадиий ҳаваскорлик, чеварлик, фотоҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Тўгарак раҳбарлари ўқувчиларини тез-тез диққатга сазовор жойларга экскурсия ва саёҳатларга олиб боришни йўлга қўйишган. Яқинда улардан бир группаси пионерлар уйи директори А. Носиров ҳамда музика тўгараги раҳбари Ғ. Раимов бошчилигида Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига ташриф буюришди. Кўргазмада намойиш этилаётган республикамизда ишлаб чиқарилган хилма-хил саноат маҳсулотлари намуналари, оғир ва енгил саноатда қўлга киритилган ютуқлар, шунингдек адабиёт ва санъат янгиликлари билан танишдилар.

М. ТУРОБОВ,
Тошкент райони.

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИДА

ҚИЙНАЛМАЙ СЎЗЛАШИШМОҚДА

Район территориясида Иттифоқ миқёсидаги кўзи ожизлар юрак-асаб касалликлари санаторийси мавжуд бўлиб, бу ерда турли миллат вакиллари даволанади. Яқинда шифокорлар учун уч ойлик ўзбек тилини ўрганиш курси очилди. Врач Т. Иванова, ошхона ишчилари В. Абрамович, Л. Бойко сингари 10 нафардан ортиқ санаторий ходимлари ўзбек тили оғзаки нутқининг фонетик ва грамматик структураси, муомала маданиятига оид лекцияларни қизиқиб тинглашяпти. Лекциядан сўнг амалий машғулотлар ўтказиляпти. Дарсларни Янгийўл шаҳар халқ таълими бўлимининг методисти Дилором Носирова олиб бораяпти.

ЗАВОД ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ

Усмон Юсупов номли комбинатга қарашли консерва заводи Ҳамза номидаги 44-ўрта мактаб ўқувчиларини оталиққа олган. Ўқувчилар бўш вақтларида завод ишчиларига яқиндан ёрдам берадилар. Ўқувчилар ўз меҳнат ҳақларини синф хонасини керакли ўқув қуроллари билан жиҳозлашга сарфлашмоқчи.

«Орзу» ҳаваскорлари

«Янгийўл» газетаси ҳузурида ташкил этилган «Орзу» адабий уюшмаси ҳаваскор қаламкашлари Халқобод маданият саройида меҳнаткашлар, турли касб эгалари билан учрашув ўтказдилар. Унда республика «Юлдузча» нашриёти бўлими мудири А. Акбаров, ўқитувчилар Б. Абдураимов, Б. Русдавлетов, Халқобод кўп нусхали газетаси муҳаррири Х. Хотамраҳимов ва бошқалар ўз ижодларидан намуналар ўқидилар.

Учрашув сўнгида Халқобод маданият саройининг «Ёшлик» вокал-чолғу асбоблари ансамбли аъзолари концерт намойиш этишди.

Р. АБДУҚАЮМОВА.

• АКС-САДО •

ОДОБ, ОҚИБАТ ВА КИЙИНИШ

ЎТКИР Рашиднинг «Тошкент ҳақиқати» газетасининг шу йил 7 июнь сонида берилган «Кийим кимлигимни билдириб турсин» мақоласини ўқиб, мен ҳам анчадан бери йиғилиб юрган фикрларимни қоғозга тўкишга қарор қилдим.

Гапнинг индаллосига кўчиб қўя қолай: мен бир оилани биламан. Уч қизи бор. Халқимиз бежиз айтмаган: «Онасини кўриб, қизини ол!» — деб. Уч қизнинг онаси, элликни қоралаган бу аёл аввало на ёшига, на гавдасига мос кийим кияди. Уйда ярим русча, ярим ўзбекча сўзлашадилар. Танбеҳ бермоқчи бўлсангиз, қолоқликда айбланасиз. Икки қизини турмушга берган эди. Орадан йил ўтмай ўртанчасини, уч йил ўтиб каттасини ажратиб олди. «Ҳа нима гап?» — деганларга қуёвларини қоралаб кўрсатмоқчи бўлдилар. Аммо халқимизнинг: «Аввал ўзингга боқ, сўнгра ноғора қоқ», — деган мақолининг маъзини чақиб кўришмади. Тўғри-да, «маданиятли» оила ўтмишда айтилган гапни қаёқдан ҳам билсин?

Балки Ў. Рашид мақоласини ўқиб: «Эй, ҳар ким нима кийса киявермайдими, сенларга нима?» — дегувчилар ҳам топилиб қолар. Ваҳоланки, кийган кийимингиз билан ҳам иши борлар йўқ эмас.

Бир воқеа. Яқинда Тошкентнинг Фрунзе районидаги 127-мактаб 8-синф ўғил болалари сочларини олдириб, дўппи кийиб келдилар. Лекин бу ҳол мактаб маъмурияти учун эриш туюлди. Мактаб директори соч олдирганларни тўплаб, койиди. Бу йўлга (!) ким бошлаганлигини суриштирди.

8-синфдагилар ташаббусини 7-синф ўғил болалари ҳам қувватлашмоқчи бўлишди. Афсуски, илмий мудир: «Кимда ким сочини олдирса, оқибати яхшилик билан тугамаслигини» қатъий эълон қилиб қолди.

Ваҳоланки, директор ҳам, илмий мудир ҳам ўзбек оиласидан. Мен соч олдиришнинг яхши-ёмонлиги ҳақида бир врач дўстимдан сўрадим:

«Сочни олдириб туриш жуда фойдали, айниқса, ёз фасли арафасида... Мактаб, умуман, жамоатчилик жойларида эса икки карра фойдали: сирка ёки бит каби нарсалар бўлмайди...»

Менимча ҳам, на йигит, на қизга ўхшамай, соч қўйиб юргандан кўра, сочни олдириб, дўппи кийиб юрган юзминг марта аъло. Ёш шоир Муҳаммад Юсуфнинг бир шеъри бор. Мазмуни шундай: «Нега дўппи киймаяпмиз, ё бошга лойиқ дўппи йўқми ёки дўппига лойиқ бош?»

Ҳақ гап, аввало бошимиз дўппига лойиқ бўлсин. Бунинг учун тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, урф-одатларимизни чуқурроқ ўрганайлик.

Оилада, ўқув-тарбия муассасаларида ёшларга кийиниш маданиятимиз билан бирга саломлашиш, кўнгил сўраш каби одобларимизни ҳам ўргатайлик. «Сомалайкум», «Ассомалайкум» эмас, «Ассалому-алайкум», деб тўлиқ салом берайлик. Алик олганда ҳам ўзимиз «Валайкум», «Валик салом» эмас, «Ва-алайкум ас-салом» деб тўлиқ алик олайлик. Сўзлашганда ҳам расмий оҳангда эмас, халқона тарзда сўзлашайлик.

Менинг ҳеч кимга маъруза қилиш ниятим йўқ. Аммо кейинги йигирма йил ичида ота-боболардан қолган бир ўгитни — «Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она» — деган иборани катталар ҳам, ёшларимиз ҳам унутиб қўйёздилар. Натижада тирик етимлар, ғариб кексалар кўпайиб кетди. Йигирма-йигирма икки йиллар муқаддам бизнинг Маннон табиб маҳалламизда бир онахон бўлардилар, 70—80 ёшларда: Бир ўзлари ҳайҳотдек ҳовлида яшардилар. Аммо ёлғизликдан зорланганликларини сира эшитмаганман. Негаки, эртадан-кечгача уйлари тўла — биз болалар шовқин-сурони, катталар эса у кишининг емак, киймакларидан хабардор эдилар. Кунора маҳалла аёллари у кишини чўмилтириб, кийимларини алмаштиришар эди.

Ўша онахон вафот этдилар. Маҳалладагилар майли, бир неча нари маҳаллалардан ҳам одам йиғилди...

Ҳозир эса кўпчилик ўзидан ортмайди. Кимсасиз одам уйида вафот этса, мурданинг ҳиди чиққач, қўшнилар хабар топадилар...

Демоқчиманки, биргина кийимимиз эмас, меҳр-оқибатимиз ҳам анчайин шикастланиб қолибди. Ҳозир ўйлаб кўрмасак, эрта-индин кеч бўлади.

Дилмурод САИДОВ,
муаллим.

«Ҳайкалларга бир назар» мақоласини ўқиб

КЎПЧИЛИК ФИКРИ ҲИСОБГА ОЛИНСИН

МЕН «Тошкент ҳақиқати»нинг 19 апрель сонида эълон қилинган А. Авазовнинг «Ҳайкалларга бир назар» сарлавҳали мактубини ўқиб, жуда хурсанд бўлдим. Ҳақиқатан ҳам республикамизда кўп жойлар рус адиблари, инқилобчилари ва давлат арбобларининг номи билан аталади. Шахсан мен бунга қарши эмасман. Аммо ўзимизнинг ҳам бутун жаҳонга танилган олим, шоир ва давлат арбобларимиз бор-ку!

Мана битта мисол: яқинда мен «Гулхан» журналида Файзулла Хўжаев тўғрисида мақола ўқиб қолдим. Унда ёзилишича, Ф. Хўжаев Совет ҳукуматига 25 пуд олтин ҳадя этган экан. Эндигина оёққа тураётган ёш Совет республикаси учун бу бойлик нечоғлик муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Майли, Ф. Хўжаевнинг бу олтинларини бир четга қўйиб турайлик, лекин унинг партия ва халқ олдидаги хизматлари-чи?! Биз репрессия қурбони бўлган халқимизнинг бу асл фарзанди хотирасини етарли даражада эъзозлаяпмизми? Нега биз ўз республикамиздан етишиб чиққан улуғ олим, ёзувчи, партия ва давлат арбоблари ҳамда халқ қаҳрамонларининг номларини абадийлаштиришга етарли даражада эътибор бермаймиз? Бу — бизнинг келажак авлод олдидаги лоқайдлигимиз эмасми?

Кейинги йилларда биз ўзимизнинг урф-одатларимиз, тарихимиз ва меъморчилик ёдгорликларимизни оёқости қилдик. Аммо қандай даврда яшашимиздан қатъий назар, ўзимизнинг миллий урф-одатларимизни йўқотмаслигимиз, керак. Ҳозирги пайтда колхоз, совхоз, мактаб, кўча, майдон ва дам олиш боғларининг кўпчилиги рус адиблари, революционерлари ва давлат арбобларининг номлари билан аталади. Лекин бу борада ҳам меъёрга риоя қилинса бўлмайдими?

Мана, бизнинг «Солничний» ва унинг ёнида «Ясний» массивларини олайлик. Ўзингиз ўйлаб кўринг: ахир бу қандай ном қўйиш?! Наҳотки, мана шу жойларнинг ўзига яраша тарихи бўлмаса? Ахир фарзандларимизга исм қўйганда ҳам озгина бўлса-да бош қотирамиз-ку! Агар бу ҳол шундай давом этаверса, келажак авлод олдида юзимиз шувут бўлиб қолмайдими?

Менимча, ҳозирги пайтда жуда кўпгина масалаларнинг оқилона ҳал этилиши раҳбарликка ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга боғлиқ. Шунинг учун бизнинг мутасадди ташкилотларимиз ҳам бирон жойга ном қўйишда ана шу ерда истиқомат қилаётган кишиларнинг таклиф ва истакларини инобатга олишса тўғрироқ бўларди.

А. ШАРИПОВ.

• СПОРТ • • СПОРТ •

ЁШЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ ЎЙИНЛАРИДА

● МАМЛАКАТИМИЗНИНГ бир қатор шаҳарларида ёшлар ўртасида Бутуниттифоқ IV спорт ўйинлари мусобақалари давом этмоқда.

● ЧИМ УСТИДА ХОККЕЙ. Саралаш мусобақаларини муваффақиятли якунлаган Ўзбекистон терма командаси финал учрашувларни ҳам кўтаринки руҳда ўтказмоқда. Энди улар РСФСР командаси билан ҳал қилувчи ўйинда чемпионлик унвони учун курашадилар.

● ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Донецк шаҳрида бошланган мусобақаларнинг биринчи кунида республикамиз вакиллари бешта медалга сазовор бўлишди. Р. Ғаниев ўн курашда олтин, О. Яригина найза улоқтиришда кумуш, 100 метрга тўсиқлар оша югуришда Н. Дородина, 400 метрга тўсиқлар оша югуришда Н. Шокирова ва эркаклар ўртасида найза улоқтиришда Д. Полюнинлар бронза медали билан тақдирланишди.

● ФУТБОЛ. Ўзбекистон футболчилари Краматорск шаҳрида ўзларининг биринчи учрашувларини Грузия командаси билан ўтказиб 1:3 ҳисобида мағлубиятга учрадилар.

● АКАДЕМИК ЭШКАК ЭШИШ. Бекободлик Ирина Чупрунова қизлар мусобақасида якка беллашувда учинчи совринли ўринни эгаллади.

● ТЕННИС. Донецк шаҳрида ниҳоясига етган мусобақада Ўзбекистон вакиллари охирги кун Арманистон теннисчиларини 7:6 ҳисобида енгиб умумий тўққизинчи ўринни эгаллашди.

● СЕУЛ олимпиадаси иштирокчиси Анатолий Танков ГФРда бўладиган мусобақаларга жиддий тараддуд кўрмоқда. Бу чавандоз йирик мусобақаларда қатнашиш билан бирга республика терма командасига устозлик қилиб, тажрибасини ёшларга ўргатмоқда. Унинг шогирдларидан бири Г. Ҳакимова устозсингари спорт чўққисини эгаллашни орзу қилади. Касаба союз спортчилари вакили Г. Ҳакимова республика миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Суратда: Г. Ҳакимова навбатдаги машғулотда.

Суратни М. Зальцберг олган.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон журналистлар Союзи Тошкент ташкилотининг «НУР» ижодий уюшмаси аҳолига маданий хизмат кўрсатиш мақсадида журналист-ёзувчилар, таниқли ва ёш истеъдодли санъаткорлар иштирокида

«ДИЛБАР СОАТЛАР»

деб номланган лирика оқшомлари ва турли ижодий кечалар уюштиради. Лирика кечалари ва ижодий учрашувлар шартнома асосида корхона коллективларида, район ва қишлоқ маданият саройларида, клубларида, театрларда, санаторий-профилакторийларда, маданият ва истироҳат боғларида, чойхона ва маҳаллаларда, пионер лагерлари, мактаб ва мактаб-интернатларда, техникум ва институтларда ўтказилади.

Иштирок этувчилар ва кечалар, ижодий учрашувлар мавзуси шартнома тузувчиларнинг таклиф ва истаклари асосида белгиланади.

Шартнома тузиш ва тегишли маълумотлар олиш учун ҳафтанинг Душанба, Чоршанба, Жума кунлари соат 15.00 дан 19.00 гача қуйидаги адресга мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент шаҳар, Халқлар дўстлиги проспекти, 6-уй. Телефон: 45-36-45.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР! 1990 йил газета ва журналлари учун обуна қилиш давом этмоқда. Келаси йил ҳам «Тошкент ҳақиқати» газетасини мунтазам олиб туришни истасангиз шу кунларда унга обуна бўлишни унутманг. Бунинг учун «Союзпечать» агентлигига ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турар-жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилсангиз бўлади. Улар сизни келаси йил матбуотни учун обуна қилиб қўйишади.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна исталган муддат учун чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Газетанинг ОБУНА БАҲОСИ бир йилга — 7 сўм 68 тийин, олти ойга — 3 сўм 84 тийин.

БОЛАЛАР КОСТЮМЛАРИ

«ҒУНЧА» тикувчилик бирлашмасида болалар учун ранг-баранг кийим-кечаклар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Коллектив аъзолари либосларнинг сифатли бўлиши билан бир қаторда хилларини ҳам кўпайтириб бормоқдалар. Яқинда бирлашманинг 3-цехида яна икки хил кийим—қиз ва ўғил болалар учун мўйжалланган кўйлакли жун газламалардан костюмлар ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Учинчи квартал давомида 24 минг ана шундай костюмлар савдо расталарига етказиб берилади.

А. ҲАКИМОВ.

ИЖОДКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

«Октябрь» область кутубхонаси коллективининг ташаббуси билан Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхознинг 4-боғдорчилик бригадаси дала шийпонида ижодий учрашув ўтказилди. 200 нафардан зиёд хўжалик меҳнаткашлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳузурига Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари, иқтидорли шоиралар Гулчеҳра Жўраева, Ойдин Ҳожиева, шунингдек, «Ёш гвардия» театрининг истеъдодли актёрлари Эркин Комилов, Ёдгор Саъдиев, Мадина Усмонова ҳамда Доно Бобохонова меҳмон бўлиб келишди.

Учрашувни район марказий кутубхонаси директори М. Қодирова кириш сўзи билан очди. Охунбобоев номли маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раиси Н. Имомова аёллар меҳнатини енгиллаштириш, янгича анъаналарни ҳаётга тадбиқ этишда ўзи етакчилик қилаётган кенгаш аъзоларининг олиб бораётган ишлари ва келгуси режалари ҳақида гапирди.

Г. Жўраева, О. Ҳожиева ўзларининг дўстлик, меҳр-муҳаббат, аёллар меҳнатини таранним этувчи шеърларини ўқидилар. Театр актёрлари спектакллардан лавҳалар намойиш этишди.

В. СОБИРОВА.

(«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 13 июлда чиқади).

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ИДОРАСИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ШАҲАРЛАРИ ВА РАЙОНЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА ИЮЛЬ ОЙИДА

ЎЗБЕК ТИЛИГА ДУБЛЯЖ ҚИЛИНГАН БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРАДИ

«ИККИ СОҲИЛ»

Сценарий муаллифи ва режиссёр — Геннадий ВОРОНИН.

РОЛЛАРДА: Наталья ПОТАПОВА, Ирина РЕЗНИКОВА, Елена ЯКОВЛЕВА, Александр ФАТЮШИН, Николай МАКУШЕНКО, Игорь ХАБИБУЛИН ва бошқалар.

Бу психологик драма воқеалари ҳозирги даврдаги Сибирь қишлоқларидан бирида содир бўлади. Фильмда оиладаги ички муносабатлар болаларнинг онги ва тақдирида қандай акс этиши ҳақида ҳикоя қилинади.

М. ГОРЬКИЙ НОМИДАГИ КИНОСТУДИЯ МАҲСУЛОТИ.

«ЭЛЛИК УЧИНЧИ ЙИЛНИНГ СОВУҚ ЁЗИ...»

Сценарий муаллифи — Эдгар ДУБРОВСКИЙ.
Режиссёр — Александр ПРОШКИН.

РОЛЛАРДА: Валерий ПРИЕМИХОВ, Анатолий ПАПАНОВ, Виктор СТЕПАНОВ, Нина УСАТОВА, Юрий КУЗНЕЦОВ, Виктор КОСИХ, Зоя БУРЯК ва бошқалар.

1953 йилнинг ёзида Сибирдаги олис қишлоқларнинг бирига авф этилган жиноятчилар гуруҳи бостириб кириб, у ерда аҳолига нисбатан жабр-зулм ўтказадилар. Қишлоққа қонунсиз равишда бадарға қилинган Совет Армиясининг офицери Басаргин жиноятчилар гуруҳига қарши курашга отланади.

Бу ҳаёт лавҳаси ноҳақ жабр кўрган қалбнинг уйғониши ва сабр косаси тўлган кишининг тасодифий ҳолларда қатъият ва жасорат кўрсатиши ҳақида ҳикоя қилинади.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

1989—1990 ўқув йили учун СИРТҚИ БЎЛИМГА
боғча тарбиячиси касби бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар 30 июлгача қабул қилинади.
Кириш имтиҳонлари 1 августдан ўтказилади.
Мандат комиссияси 22—26 август кунлари ишлайди.
Кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ (ишшо), СССР ТАРИХИ (оғзаки).

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, ўрта маълумот ҳақида аттестат, 086/У формадаги медицина справкаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (1 йилдан ортиқ стажга эга бўлган шахслар учун), 4 та фотосурат (3х4 см.).

АДРЕС: Тошкент шаҳри, Красновосточная кўчаси, 112-уй (63, 49, 73, 89, 21, 112-автобусларнинг «Қорасув» бекати).

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЕХНИКУМИ

I-курсга 8-синфни битирган,
II-курсга 10-синфни битирганларни

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЕХНИКУМ ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЕХНИКЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИ: тепловоз хўжалиги, изотермик вагонлар ва совутиш хўжалиги, симли алоқа (темир йўл бўйича телефон-телеграф алоқаси мутахассислиги; телеграф, телефон-телеграф алоқаси мутахассислиги: телеграф, телефон, радио, фақат 10-синфни битирганлар учун), темир йўл транспортида автоматика ва телемеханика, радиоалоқа ва радио эшитириш (фақат 10-синфни битирганлар учун), темир йўл электр тортиш хўжалиги, темир йўл транспортини энергия билан таъминлаш ва энергетика хўжалиги.

АРИЗАЛАР 31 ИЮЛГАЧА, 30 ЕШГАЧА БЎЛГАН ҲАММА ГРАЖДАНЛАРДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ (10-синфни тамомлаган ўқувчилардан 14 августгача).

ҚАБУЛ ИМТИҲОНЛАРИ 1 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ТЕХНИКУМДА СИРТҚИ БЎЛИМ ҲАМ БОР.

Техникум адреси: 700167, Тошкент шаҳри, Л-167, 2-Сариқўл кўчаси, 3-уй (55, 66-автобусларнинг «Темир йўл техникуми», 1, 2, 5, 8, 9, 24, 26-трамвайларнинг «Сариқўл кўчаси» ёки «Будённий кўчаси» бекатлари).

Телефонлар: 32-40-85, 32-43-23, 32-44-96, 99-05-32.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг «Ташстройтранс» транспорт ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли

9-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИГА

«БЕЛАЗ-548 А», «КРАЗ-256» прицепли автомобилларида ишлаш учун «В, С, Е» категориядаги ҳайдовчилар

КЕРАК

Оилали кишилар навбатга туриш тартибига кўра квартира билан, ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Нариманов шаҳри, Лихачев кўчаси, 2-уй (171, 183-автобусларнинг «9-Автобаза» бекати; 15, 68-автобусларнинг «Қўйлиқ» бекати).

«ТАШГОРСТРОЙ» территориал қурилиш бирлашмасининг «Промстройиндустрия» бирлашмаси

1989 йил 15 июлгача 1990 йилда буюртмачининг материаллари ҳисобига темир-бетон, йиғма бетон, товар бетон ва қуруқ қоришма етказиб бериш юзасидан

ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ

АДРЕС: 700100, Тошкент шаҳри, ИТР кўчаси, 7-уй.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916; 325748; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БЎЛИМЛАР: идеология — 325778; агросаноат — 325647; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий советлар ҳаёти — 325733; социал масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи совет қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

Р. 11825 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Б.—1641. Индекс: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12